Тола экспорт қилинмоқда

Беруний пахта тозалаш заводи ҳиссадорлик жамияти ишчилари, муҳандис-техниклари ўтган 8 ойда 2837 тонна пахта толаси, 121 тонна пахта момиғи ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш режа шартномаларини ошириб бажардилар. Ҳар тонна пахта хомашёсидан режадаги 32,6 фоиз ўрнига 35,1 фоиздан пахта толаси олинди. Хомашёни қайта ишлаш, сифатини яхшилаш, электр энергия, эҳтиёт қисмлар ва бошқа сарф-харажатларни тежаш ҳисобидан 13 миллион 605 минг сўм соф фойда олинди.

35 минг тоннадан кўпроқ пахтани қабул қилиб оладиган пахта тозалаш заводида шу кеча-кундузда 700-750 тонна пахта қайта ишлаб чиқарилмоқда. Дастлабки янги ҳосилдан ишлаб чиқарилган 500 тоннадан кўпроқ пахта толаси Швейцария ва Буюк Британияга экспорт қилинди.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Саркардани хотирлаб

Янгибозор туманидаги «Ширин Қўнғирот» ширкат хўжалигининг сўлим боғида ўзбекнинг машҳур саркардаси Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллигига бағишланган илмий-амалий анжуман ўтказилди.

Анжуманни очган ЎзХДП вилоят кенгашининг биринчи котиби, Олий Мажлис депутати Ғайрат Машарипов буюк саркарда маракасига бағишланган бундай анжуманлар, давра суҳбатлари барча шаҳар ва туманларда ўтказилаётгани, партия фаоллари тарихий қадриятларни тиклаш борасида шундай тадбирлар билан халқ орасига чиқиш қилаётганини таъкидлади.

ЎзХДП Хоразм вилоят кенгаши вилоят ҳокимлиги билан ҳамкорликда айни пайтда буюк шоир Огаҳий таваллудининг 190 йиллиги олдидан ҳам шундай илмий-амалий анжуманлар ташкил қилмоқда. Гурлан, Урганч туманлари ва Урганч шаҳрида ҳам юбилейолди анжуманлари ёдда қоларли тарзда бўлиб ўтди.

Рўзимбой ҲАСАН,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Ижоди юксак баҳоланди

Куни кеча Ўзбекистон Бадиий академиясида Бадиий академиянинг ҳақиқий аъзоси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, уста-кулол Акбар Раҳимовнинг шахсий кўргазмаси бўлиб ўтди. Қарийб қирқ йиллик ижодий изланишларнинг самараси бўлган бу кўргазмада халқимиз суйган мусаввирлар, ёзувчи ва олимлар билан бир қаторда Тошкентда фаолият юритаётган қатор хорижий элчихоналар вакиллари ҳам иштирок этди. Кўргазмани Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Нарзулла Жўраев кириш сўзи билан очди. Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон Бадиий академияси президенти Турсунали Қўзиев, ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги бош вакили Майкл Барри Лейнлар унинг ижоди қирралари, ўзбек санъати муваффақиятлари ҳақида сўзлаб, бунда Раҳимовлар сулоласининг ўрни беқиёслигини таъкидлади. Ўзбек санъатининг ривожига қўшган ҳиссаси, узоқ йиллик сермаҳсул меҳнати учун Акбар Раҳимов Ўзбекистон Бадиий академиясининг «Олтин медал»и билан тақдирланди.

Шуҳрат ТЎПАЕВ

Ҳуқуқий жамият сари

Умумийлик, тенглик, ошкоралик

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақаларо тадқиқотлар институти биносида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги ҳамда Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ ҳамкорлигида ўтказилган «Ўтиш даври жамиятларида демократлаштириш» халқаро конференцияси демократик тамойилларнинг устуворлигига бағишланди.

Ҳар қандай мамлакатда демократиянинг ривожланиши замонавий дунёнинг сиёсий фаолиятига бориб тақалади. Қолаверса, тенглик, умумийлик, ошкоралик демократия асосидир. Умумийлик деганда ирқидан, миллатидан қатъий назар ўзи яшаб турган мамлакат фуқароси эканлигини англаб етиш, тенглик деганда мамлакатдаги мавжуд қонунчиликдан, ҳуқуқ нормаларидан барча баробар фойдаланиши, ҳеч кимнинг камситилмаслиги, ошкоралик деганда қуйи ва юқори табақаларнинг ўз фикрини айтишда, ҳуқуқини талаб қилишда, оммавий ахборот воситалари орқали муносабат билдиришда ҳақ-ҳуқуқларининг чекланмаганлиги англанади. Мазкур босқичлар демократиянинг пойдеворини ташкил этади.

Анжуманда К. Аденауэр номидаги жамғарманинг ҳудудий вакили В. Шрайдер сўз олиб: «Машҳур файласуф: бир уринишда қилса бўладиган ишга икки бора уринмаслик лозим, деган. Демократия хусусида гапирилар экан, ўзи биз кимиз? Қаёққа қараб кетаяпмиз? XXI аср бўсағасида бизни нималар кутаяпти? Ушбу масалаларни ҳам ўйлаб кўрсак, ёмон бўлмасди, — деди.

Хорижий вакилларнинг фикридан Ўзбекистон қайси йўлни танласа Марказий Осиёдагилар ҳам эргашади, бу мамлакат мувозанатни сақлаб турувчи эканлиги англанилади. Демократия албатта жамиятни барқарорлаштиради. Лекин биз мақсадсиз, бемаъни урушлар қуршовида эканлигимизни ҳам унутмаслигимиз керак. Шунинг учун ҳам сайловларни ўта хушёрлик билан ўтказиш, сайлаш ҳуқуқига эга фуқароларни онгли равишда сайловда қатнашишларини таъминлаш муҳимдир. Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси Н. Комилов: «Мен халқимга ишонаман, улар бузғунчиларнинг башарасини яхши танийдилар. Депутатликка ишончли вакилларга овоз берадилар. Чунки, бир маҳаллада яшагандан кейин ким қандай йўл босаяпти, ўғри ким, тўғри ким биладилар», — деди ўз нутқида.

Бу йилги сайловларни ўтказишда 8 мингга яқин сайлов участкалари ташкил қилиш кўзда тутилаяпти. Ташаббускор гуруҳлардан шу кунгача 51 та номзод кўрсатилди. Барча сарф-харажатлар 1 миллиард 250 миллион сўмни ташкил этади. Аввало сайловга бунчалик кенг ўрин берилгани халқимизнинг ҳуқуқий онгини ошириш, демократик тамойилларни жаҳон андозалари асосида англаб етишини таъминлаш, сиёсий фаолиятини юксалтириш мақсад қилингандир. Чунки, 1990 йилда Копенгаген шаҳрида ўтказилган халқаро конференцияда ривожланаётган давлатларда сайловлар ўтказишни таъминлашда халқаро кузатувчиларнинг ҳуқуқ ва нормалари белгиланган эди. Бизда ўтадиган сайловларга ҳам узоқ, яъни бошланишдан охиригача ҳамда қисқа, яъни сайлов кунлари келиб кузатувчилик қиладиган хорижий вакиллар таклиф этилган. Эндиликда сайловлар жаҳон ҳамжамияти олдида салоҳиятимизни, маънавий баркамоллигимизни кўрсатувчи кучга айланди.

Депутатликка курашлар ҳам кескин бўлиши кутилмоқда, чунки бир депутатлик жойга еттита номзод тўғри келаяпти. Ташаббускор гуруҳлардан қўшимча вакиллар бўлган тақдирда саккиз ҳатто тўққизтагача номзод талабгорлик қилади. Жаҳон тажрибасидан маълумки, сайлов ҳокимият учун кураш демак. Сайловларни демократлаштиришнинг яна бир муҳим томони шўролар даврида бир оиладан ўн вакил бўлса, барчасининг сайлов қоғозларини бир киши олиб бориб ташлайверарди. Кимга, нимага овоз берди билмасди ҳам. Сайлов участкаси олдида ташкил қилинган савдодаги ҳолволару ширинликларга маҳлиё бўлиб қайтаверарди. Эндиликда бунга чек қўйилди. Ҳар бир фуқаро онгли равишда мамлакат тараққиёти, миллатнинг равнақи учун хизмат қиладиган ишончли вакилга овоз бериши шарт.

Анжуманда кўтарилган масалалар қатнашчиларни бафарқ қолдирмади. Қизғин баҳслар, мунозаралар мустақил давлатимизни мустаҳкамлашга қаратилди.

Юсуф ЖЎРАЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1999 йил 25 сентябрь, шанба • № 113 (25.508).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

Қирғизистон жанубидаги воқеаларга доир

Қирғизистон жанубидаги вазият ҳамон кескинлигича қолмоқда. Жангарилар Хўжа Очкан қишлоғидан Сирт қишлоғига ўтишга уриниб кўрди. Лекин, «Град» қурилмалари ёрдамида берилган реактив замбараклар зарбасига учраб, ўтиш қийин бўлган тоғли ҳудудларга чекинди.

Террорчилар ўзлари эгаллаб турган ҳудудлар мудофаасини мустаҳкамлаш ва кучайтириш ҳамда назорат постларини жиҳозлашни давом эттирмоқда. Уларнинг асосий мақсади қиш келгунча эгалланган ҳудудларда моддий база яратишдир.

Бирлашган тожик мухолифати қуролли гуруҳларининг бошлиқлари озиқ-овқат, кийим-кечак, қурол-яроқ ва ўқ-дори бериш орқали жангариларга ёрдам кўрсатишда давом этмоқда. Маҳаллий аҳоли вакилларининг гувоҳлик беришича 22 сентябрь куни Тожикистон Республикасининг Жирғатол туманидан Зардоли, Хўжа Очкан ва Шудман қишлоқларига қурол-аслаҳа ва ўқ-дори ортилган карвон келган.

Боткен туманидаги ҳукумат қўшинларини янада кучайтириш учун Қирғизистоннинг Иссиқ Кўл вилоятидан бу ерга доимий армия аскарлари ва кўнгиллилар юборилди. Ўз-ўзини ҳимоялаш отрядларига қарийб 1200 киши қўшилди. Уларнинг барчасига ўқотар қурол берилди. Кўнгиллилар ҳозир давлатга қарашли муҳим иншоотлар ва ҳарбий объектларни қўриқламоқда. Қирғизистон қуролли бўлинмалари Ўш вилоятининг тўртта туманига олиб бориши мумкин бўлган йўлларнинг қарийб барчасини тўсган.

Ўш шаҳрига Россиядан кутилаётган самолётларнинг бири — «Ил-76» келди. Унда ҳарбий техника, махсус қурол-аслаҳа ва авиация бомбалари бор. Бу юк Россия ва Қирғизистон ҳукуматлари ўртасидаги келишувга биноан олиб келинди.

Боткен туманида 4183 нафар, Қадамжой туманида эса 1629 та қочқин рўйхатга олинди. Уларга инсонпарварлик ёрдами кўрсатилмоқда.

(ЎзА)

Сиёсий ижроқўм мажлиси

1999 йил 22 сентябрь куни Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Сиёсий ижроия қўмитасининг кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда партия ташкилотларининг мамлакатимиздаги ялпи сайловларга тайёргарлик ишлари билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди.

Сиёсий ижроия қўмита, партиянинг навбатдаги Қурултойини жорий йилнинг октябрь ойида чақиришга қарор қилган Марказий Кенгаш XX пленумининг унга берган ваколатига кўра, Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг III Қурултойини 1999 йилнинг 8 октябрида ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилди.

ХДП хабари

Марказий Кенгашда учрашув

1999 йил 21 сентябрь куни Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашида Эрон Ислом Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Мухсин Покойин, унинг илтимосига биноан, қабул қилинди.

Марказий Кенгаш биринчи котиби Абдулҳафиз Жалолов мустақил юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар, уларда партия ташкилотларининг ўрни, шунингдек, Ўзбекистон ХДПнинг ҳозирги кундаги фаолияти ва унинг мамлакатимизнинг бўлажак сайловлардаги иштирокини таъминлашга оид тайёргарлик ишлари ҳақида сўзлаб берди.

Эронлик меҳмон мамлакатларимиз ўртасидаги, хусусан иқтисодий соҳадаги, алоқаларнинг ривожланаётгани ва уларнинг истиқболда янада кенгайишининг аҳамиятини таъкидлади.

Учрашувда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши котиби И. Кочмарик иштирок этди.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

Банк пахтакорга мададкор

Наманган бозорларида савдо юришди. Туриб қолган молларга харидор кўпайди. Қишлоқларда тўйлар тадориги бошланди. Бунинг сабаби аён — пахтага пул берилаяпти.

Ихтисослаштирилган акциядорлик-тижорат «Пахта банк»нинг вилоят бошқармаси бошлиғи Мавлон Жабборов ҳам ҳолатни билиб юрган экан: хурсанд гап бошлади:

— Бу, Вазирлар Маҳкамасининг «1999 йил пахта ҳосилини йиғиштириб олишни уюшқоқлик билан ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг ижросига ҳамма баб-баравар масъулият билан ёндошаётганидан. Жумладан, биз ҳали пулга маҳтал бўлиб қолмадик. Пойтахтдан терим учун маблағ сурункали келиб турибди.

Вилоят бўйича 35740 тонна ҳосил пахта заводларига топширилган бўлса, ҳозиргача шу мақсад учун салкам 250 миллион сўм келди ва у ишлаётган теримчи ва ҳашарчиларга тарқатилди. Шу тариқа 10-15 ва 16-20 сентябрь учун тўла ҳисоб-китоб қилинди.

— Шу пуллар узил-кесил теримчи қўлига етиб боришига кафолат борми?

— Бор, — дейди у ишонч билан. — Аввало бошқарма ва туманлардаги бўлимларимиз етакчи мутахассислари жамоа ва ширкат хўжаликларига бориб, ҳисоб-китоб ишларини ўз кўзлари билан назорат қиладилар. Иккинчидан, ҳар дала шийпонида йиғим-теримда иш ҳақи тўлаш тартиби осиб қўйилган. Демак, теримчи ҳам бизга кўмакчи — ҳақини талаб қилади.

Банк бошлиғининг гапи жойларда ҳам тасдиқланди. Жумладан, Уйчи туманидаги А. Мўминов ширкатлар хўжалиги бош ҳисобчиси Олимжон Содиқов шундай дейди:

— Теримга 10 сентябрдан киришганмиз. Ҳозиргача, 958,3 тонна ҳосил териб олинди. Икки беш кунлик бўйича банкдан 6 миллион сўм пул олиб, теримчиларга тарқатдик. 1-бригада пудратчиси Роҳатхон Иброҳимова 10-20 сентябрь кунлари учун жами 78 минг сўм пул олди.

Банкдагиларга раҳмат, бу йил жуда тартибли иш ташкил этишаяпти. Иш ҳақини ўз вақтида олаётган теримчилар ҳашарчисиз ишлашяпти. Бугун-эрта хўжалигимиз режани бажаради.

Маҳмуджон ПАРПИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Тошкентда яна халқаро теннис

Ҳали кичик тўп ошуфталарини хайратга солган «Президент кубоги» учун кураш нафаси уфуриб турибди. «Юнусобод» теннис кошонаси эса яна гавжумлашди. Бу ерда яна бир халқаро теннис мусобақаси байроғи ҳилпирамоқда. Бу сафар эл оғзига тушиб қолган теннисчиларимиз қизиқарли ва нуфузли баҳслардан бири — «Дэвис кубоги» учун курашнинг жаҳон гуруҳига чиқиши учун майдонга тушадилар. Бугун-эрта Ўзбекистон — Чехия жамоалари ўртасида ўзига хос мартабага эришиш учун баҳс бўлади.

Бундай муросасиз баҳсни ўтказиш учун Тошкентнинг танланиши бежиз эмас. Аввало, пойтахтимизда йирик халқаро мусобақалар ўтказиш учун шарт-шароитлар етарли. Теннисчиларимиз эса нуфузли мусобақаларда ўзларини кўрсатиб, назарга тушмоқдалар. Юртимизда Маҳмуд Охунжонов, Александр Мальцев, Антон Кокурин, Абдуҳамид Маҳкамов, Темир Ғаниев, Владимир Бистрявичус, Мурод Иноятов, Дмитрий Мазур, Денис Нурматов, Улуғбек Мусаев сингари иқтидорлар камол топмоқдаки, улар яқин келажакда жаҳон рейтинггида юқори ўринларни эгаллаб турган теннисчиларга илашсалар ажаб эмас. Улар ҳам «Президент кубоги», қолаверса, «Дэвис кубоги» каби йирик мусобақаларда ўзларини кўрсатишлари мумкин.

Қизиғи шундаки, «Дэвис кубоги» учун ўтказилаётган норасмий жамоа жаҳон чемпионати уюштирилганининг бу йил юз йиллиги нишонланади. Шу йилнинг ўзида ана шу соврин учун курашда жаҳоннинг 129 мамлакати иштирок этгани ҳам баҳсга қизиқиш катталигидан нишонадир. Юртдошларимиз эса 1994 йилдан бери мазкур соврин учун баҳс юритмоқдалар. Улар босқичма-босқич курашларда мавқеларини мустаҳкамлаб, ниҳоят жаҳон гуруҳига чиқиш имкониятини берадиган курашга чоғланиб туришибди. Теннисчиларимиз бу йил Покистон кейин Япония жамоаларини мағлубиятга учратгач ана шундай имкониятга эга бўлишди. Аммо бугун теннисчиларимизга рақобатчилик қиладиган Чехия жамоасининг анойи эмаслигини унутмаслик керак. Гап шундаки, бу жамоа Швеция, Италия теннисчилари каби ҳали бирон марта жаҳон гуруҳини тарк этган эмас. Жаҳон гуруҳида эса 16 мамлакат жамоаси бўлиб бугунгача 9 мамлакат терма жамоаси бош соврин соҳиби бўлишга эришган.

Терма жамоамиз куни кеча «Президент кубоги» учун курашда жуфтлик баҳсларини ўрнига қўйиб, ғалаба нашидасидан баҳраманд бўлган Олег Огородов бошлиқ Вадим Куценко, Дмитрий Томашевич, Темир Ғаниевлардан иборат тузилган. Чехия терма жамоаси эса жаҳон рейтинггида юзликка кирувчи Д. Вацек, Д. Рикл, И. Новаклардан таркиб топган. Ўйлаймизки, қизғин ва муросасиз баҳсда теннисчиларимиз астойдил маҳорат кўрсатиб, ниятларига етишга ҳаракат қиладилар.

Ҳайдар НОСИРОВ

«Обуна — 2000»

Аўст танлашда адашманг!

Энг аввало «Ўзбекистон овози», «Голос Узбекистана» ва «Осиё бозори» газеталарининг ашаддий мухлисларига шуни маълум қиламиз: бугундан эътиборан бу нашрлар учун обуна бошланди! Хайрихоҳ ва қизиқувчилар учун ҳам айтадиган гапларимиз бор: буни газеталаримизни йил бўйи мунтазам ўқиб борсангиз билиб оласиз! Хуллас, шошилинг азизлар, обуна мавсуми бошланди!

Нашр индекслари:

«Ўзбекистон овози» —	220
«Голос Узбекистана» —	121
«Осиё бозори» —	174

Бу «уч оғайни ботирлар» – Сизнинг энг содиқ дўстларингиздир!

Ажаб савдолар

Бир бинога тўрт эга

— 1993 йил апрель ойида Фарғона шаҳар бозорига қарашли ошхона биносини сотиб олиб, хусусий мулкимга айлантирдим. Лекин бинони таъмирлаш, жиҳозлаш учун маблағ қидириб юрганимда «Фарғонатаом» савдо ишлаб чиқариш чакана-улгуржи фирмаси (собиқ Фарғона шаҳар умумий овқатланиш трести) бу бинони бошқа одамга сотиб юборибди. Ҳолбуки, бино «Фарғонатаом»га қарашли эмас эди. 1993 йил 12 апрель куни менга берилган 358-сонли давлат ордери ўз қўлимда. Бироқ шу бинога эгалик ҳуқуқини тасдиқловчи 2642 рақамли давлат ордери А. Шокировнинг қўлида ҳам бор, — деб ёзади газетамизга фарғоналик М. Ҳамидов.

— Ҳа, А. Шокировнинг даъво аризаси, М. Ҳамидовнинг шу низоли иш юзасидан қарши даъво аризаси бўйича ишни мен кўрганман, — дейди Фарғона шаҳар суди судьяси И. Норматов, — Дарҳақиқат, бу бино икки кишига икки ташкилот томонидан ва ҳар хил нархларда сотилган. Аммо илгарироқ М. Ҳамидовнинг ордери ўша пайтдаги вилоят хусусийлаштириш ва мулкни давлат тасарруфидан чиқариш қўмитаси томонидан бекор қилинганди...

У ҳолда нечук орадан олти йил ўтган бўлсада бинога эгалик можароси тинмаяпти? Иккинчидан, фақат суд қарорига ҳал этадиган бу муаммога газетанинг аралашуви шартми? Икки шахс ўртасидаги мулкий низога оид суд ҳужжатларини ўрганиб, масала газета саҳифасига олиб чиқилиши даркор, деган мулоҳазага келдик. Зеро, мамлакат иқтисодиётида бозор муносабатларининг қарор топиши хусусий мулкнинг аҳамиятини беқиёс оширгани маълум. Бу эса ўз навбатида баъзи ҳуқуқий муаммолар, англашилмовчилик ёхуд ғаразли мақсадларни кўзлаш каби нуқсонларни ҳам келтириб чиқараяпти. Мундоқ ўйлаб қаралса, ҳозирги хусусий мулкларнинг ҳаммаси ҳам осмондан тушгани йўқ. Уларнинг асосий қисми давлат тасарруфида эди. Бу мулклар демократик қонунларимиз, белгиланган норматив актлар асосида хусусийлаштирилди. Бу жараён ҳамон давом этяпти. Аммо хусусийлаштириш ҳамма жойда ва ҳамма вақт ҳам қонуний амалга ошириляптими? М. Ҳамидов ва А. Шокировлар ўртасидаги мулкий низо шу хусусийлаштиришни амалга оширган бирламчи идораларнинг масалага бепарво қарашлари қандай ҳунук оқибатларга олиб келганини кўрсатади.

1993 йил баҳорида Фарғона шаҳар бозори ҳисобида турадиган ошхона биноси хусусийлаштириш учун сотувга қўйилади. (Эътибор қилинг, бу бинони бозор маъмурияти сотяпти. Ҳеч ким, жумладан вилоят хусусийлаштириш ва мулкни давлат тасарруфидан чиқариш қўмитаси ҳам бино чиндан-да бозор мулки эканлигига шубҳа қилмаяпти). Бино 730 минг 235 сўмга баҳоланади ва М. Ҳамидов аввал бу маблағнинг бир қисмини, сўнг қолган қисмини тўлаб хусусий мулк эгаси бўлади.

Лекин ўша йилнинг сентябрь ойи бошларида, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат назорати қўмитаси Фарғона вилоят бошқармаси томонидан вилоят ҳудудида хусусийлаштирилган ёки хусусийлаштирилаётган объектлар текшируви ўтказилади. Бу текшириш жараёнида назорат инспекцияси вакиллари «Фарғона шаҳар умумий овқатланиш трестига қарашли ошхона бу ерда ишламайдиган фуқаро М. Ҳамидовга ноқонуний равишда расмийлаштириб берилган» деган хулосага келади. «Назорат инспекциясининг қарорида баҳсли ўринлар бор эди, — деб ёзади М. Ҳамидов, — биринчидан, ўғлим А. Ҳамидов худди шу бино хусусийлаштирилган, маҳалда умумий овқатланиш трестига қарашли ошхонада ишларди. Иккинчидан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 23 сентябрдаги 443-сонли қарорига 4-илова, Ўзбекистон Республикасида давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришда аризалар бериш ва уларни кўриб чиқиш тартиби ҳақидаги вақтинчалик Низомнинг 1-бандига асосан хусусийлаштириш жараёнида нафақат меҳнат жамоаси аъзолари, балки Ўзбекистон Республикаси барча фуқаролари иштирок этиш ҳуқуқига эга эканликлари кўрсатилган».

Нима бўлганда ҳам давлат назорати вилоят бошқармаси бу ҳақдаги ўз қарорини вилоят хусусийлаштириш ва мулкни давлат тасарруфидан чиқариш қўмитасига юборади. Қўмита 1993 йил 19 октябрдаги 1700-қарори билан М. Ҳамидовнинг ордерини бекор қилади. «Ҳолбуки мулкий ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатларни суд қарори билан бекор қилиш мумкин. Қўмитанинг ўша пайтдаги ҳуқуқшуноси бу қарорнинг ноқонунийлиги учун имзоламаган. Демак, у кучга кирмаслиги керак эди», — деб ёзади М. Ҳамидов.

Бироқ, Фарғона шаҳар судига кейинча тақдим қилинган 1700-сонли қарорда ҳуқуқшунос имзоси мавжуд бўлган (эслатма).

М. Ҳамидовнинг қўлида эса қўмита ҳуқуқшуноси Г. Муҳаммедованинг шу буйруққа дастлаб қўл қўймагани ҳақидаги ҳужжатлар мавжуд. Воқеанинг яна бир қизиқ томони шундаки, қўмитанинг М. Ҳамидовни бинога эгалик ҳуқуқидан маҳрум қилиш ҳақидаги 1700-қарори юзага келмасдан бир кун аввал, яъни 1993 йил 18 октябрь куни худди шу бинони А. Шокировга, у бошлиқ жамоага мулк қилиб бериш ҳақида 2642-рақамли давлат ордери берилганди. Қаранг, ҳали М. Ҳамидов эгалик ҳуқуқидан маҳрум бўлмай туриб, бино сотиб юборилган. Туғилмаган бузоққа аллақачон қозиқ қоқиб улгуришган. Яна ҳам ажабланарлиси, илгари худди шу қўмитада Фарғона шаҳар бозори мулки сифатида сотилган бино энди шаҳар умумий овқатланиш трести мулки сифатида сотиляпти... Бино кимга тегишли ўзи? Бунинг устига апрель ойида 730235 сўмга сотилган бино октябрь ойига келиб 433571 сўмга баҳоланаяпти. Ҳа, бозор маъмуриятига қараганда умумий овқатланиш трестидаги мутахассислар анча саҳий экан...

Вилоят газетасининг 1993 йил 11 сентябрь сонида «Хусусийлаштиришда таниш-билишчилик ўтмайди» сарлавҳали мақола босилган.

Унда М. Ҳамидов ошхона биносини нотўғри хусусийлаштиргани кўрсатиб ўтилганди. Ўша йил 9 октябрда эса газета Фарғона шаҳар кооператив тайёрлов бозор савдоси бирлашмаси раиси А. Эргашевнинг мақолага қўйидаги жавобини эълон қилади: «Мақолада фуқаро М. Ҳамидовга ошхона биноси сотилган, дейилган. Ҳақиқатан ҳам унинг берган аризасига кўра 9 кишидан иборат комиссия масалани атрофлича ўрганиб, бир фикрга келди. Бино 730235 сўмга М. Ҳамидовга сотилди. Вилоят хусусийлаштириш ва мулкни давлат тасарруфидан чиқариш қўмитаси томонидан М. Ҳамидов номига 358-ордер билан расмийлаштирилди. Мулк эгаси пулини давлат хазинасига тўлаган.

Ташкилотимизда М. Ҳамидов ариза бергунга қадар ҳамда ундан кейин ҳам ушбу бинони сотиб олиш юзасидан бирорта шахс ариза билан бирлашма қайъатига мурожаат этган эмас».

Бу расмий жавоб вилоят хусусийлаштириш ва мулкни давлат тасарруфидан чиқариш қўмитасининг ўша пайтдаги раҳбарлари кўзига тушганмиийўқми билолмадик. Аммо жавоб эълон қилингандан сўнг орадан 10 кун ўтиб ошхона умумий овқатланиш трести мулкига қарашли ҳисобланиб сотилган.

Фарғона шаҳар суди шу йил август ойида низоли ошхона биносини А. Шокировга бериш ҳақидаги қарор чиқарди. М. Ҳамидов бундан норози. Икки ўртадаги судловлар давом этяпти. Албатта, ҳақ жойига қарор топади. Биз М. Ҳамидов ёки А. Шокиров ҳақ дея таъкидламоқчи эмасмиз. Бу юқори суд идораларининг иши. Аммо мана шу можароларга йўл очиб берган мутасадди-ю, мутахассисларнинг жавобгарлиги қайда қолди?

Алишер ИБОДИНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Ўзбекистон ХДП III Қурултойи олдидан

Тарихимиз саҳифалари

1991 — 1999 йиллар

(Давоми. Боши ўтган сонда)

1992 йил

10 апрель. Матбуотда Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашида бўлиб ўтган, «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси лойиҳасини тайёрлашнинг муҳим масалалари» мавзусидаги, баҳс-мунозара ҳисоботи эълон қилинди. Унда ЎзХДП МК котиблари, республика халқ депутатлари, таниқли олимлар, ҳуқуқшунослар қатнашдилар. Баҳс-мунозара бўйича тўпланган таҳлилий материаллар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (Асосий Қонуни) лойиҳасини ишлаб чиқувчи комиссияга тақдим этилди.

17 апрель. Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Дастури ва Низоми алоҳида китоб шаклида чоп этилганлиги ҳақида хабар берилди.

23 апрель. Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Сиёсий ижроия комитетининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон ХДП фаолиятининг партия дастурий мақсадларидан ва республикада қарор топган ижтимоий-сиёсий вазиятдан келиб чиқувчи устувор йўналишлари тўғрисида Марказий Кенгаш биринчи котибининг хати кўриб чиқилди.

Мажлисда «Кам таъминланган фуқароларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонун лойиҳасини Ўзбекистон ХДП кенгашларида муҳокама қилишга доир таклиф қабул қилинди.

Апрель. Самарқандда Ўзбекистон Халқ демократик партияси Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоят кенгашларининг депутатлик ишлари ҳамда партияларараро алоқалар масалалари билан шуғулланувчи котибларининг семинари бўлиб ўтди.

1 май. Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Сиёсий ижроия комитетининг 23 апрелда бўлиб ўтган мажлисида кўриб чиқилган Марказий Кенгаш биринчи котибининг Ўзбекистон ХДП фаолиятининг партия дастурий мақсадларидан ва республикада қарор топган ижтимоий-сиёсий вазиятдан келиб чиқувчи устувор йўналишлари тўғрисидаги хатининг тўлиқ матни матбуотда эълон қилинди.

1 май. Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Сиёсий ижроқўмининг ЎзХДПнинг рамзий белгисини яратиш юзасидан танлов ўтказиш ҳақидаги қарори эълон қилинди.

8 май. Матбуотда 1941-1945 йиллардаги фашизмга қарши урушнинг ўзбекистонлик қатнашчиларига, фронт ортида меҳнат қилиб ғалабани яқинлаштирган юртдошларимизга, республикамизнинг барча фуқароларига Ўзбекистон ХДП МК Сиёсий ижроия қўмитасининг табриги эълон қилинди.

8 май. Марказий Кенгаш Мингбулоқда юксак фаоллик ва маҳорат кўрсатган партия аъзоларини қимматбаҳо совғалар билан мукофотлаш тўғрисида қарор қабул қилди.

11 май. Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашида К. Хоппен раҳбарлигидаги Дания Ташқи ишлар вазирлиги делегацияси қабул қилинди. Суҳбат давомида ҳар икки томонни қизиқтирган масалалар муҳокама қилинди.

18 май. Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши раҳбарияти «Век» фирмаси президенти, Греция компартияси Марказий комитети аъзоси Я. Мавроматисни, унинг илтимосига кўра, қабул қилди.

19 май. Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашида республикамизнинг таниқли ёзувчи ва шоирлари, журналистлари билан учрашуви бўлиб ўтди. Учрашувда ижодий зиёлиларни тўлқинлантираётган ҳаётий муҳим муаммолар тўғрисида сўз юритилди.

27 май. Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Сиёсий ижроия комитетининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда шу куннинг муҳим муаммоларига доир бир қанча масалалар, жумладан, истеъмол бозоридаги аҳволни барқарорлаштиришнинг баъзи муаммолари ҳамда республика аҳолисини истеъмол моллари билан кафолатли таъминлаш тўғрисидаги масала муҳокама қилинди.

29 май. «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталарида Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши тузган мутахассислар гуруҳи томонидан ишлаб чиқилган «Ўзбекистон Республикасида кам таъминланган фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси чоп этилди.

29 май. Болаларни ҳимоя қилиш Халқаро куни муносабати билан Ўзбекистон ХДП МК Сиёсий ижроия қўмитасининг республика аҳолисига Мурожаати эълон қилинди. Мурожаатда барча партия ва жамоа ҳаракатларини болаларимизнинг эркин, ҳалол ва бахтли, ўз халқи ва она заминга садоқатли бўлиб ўсишлари учун ўз куч-ғайратларини бирлаштиришга даъват этилди.

12 июнь. Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Сиёсий ижроия қўмитаси бутун дунё ислом аҳлининг мўътабар айёми — Қурбон ҳайити — Ийд-аль-адҳа муносабати билан Ўзбекистоннинг барча мўмин-мусулмонларига қутлов йўллади.

23 июнь. Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашида АҚШнинг Ўзбекистон Республикасидаги муваққат ишлар вакили Том Грехэм унинг илтимосига биноан қабул қилинди.

30 июнь. Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг V пленуми бўлди. Унда республика Олий Кенгашининг X сессияси муносабати билан Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг сиёсий йўли ва депутатлар партия гуруҳининг вазифалари тўғрисидаги масала муҳокама қилинди.

Июнь. Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашида Ҳиндистоннинг Ўзбекистон Республикасидаги муваққат ишлар вакили Ашока Мукержи, унинг илтимосига биноан, қабул қилинди. Суҳбат чоғида Ўзбекистон ХДП билан Ҳиндистон Миллий Конгресси (И) партияси ўртасида ўзаро алоқалар ўрнатиш тўғрисидаги масалалар муҳокама қилинди.

Июнь. Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши биносининг фойесида партия рамзини яратиш бўйича танловга тақдим этилган ишлар кўргазмаси очилди.

(Давоми бор).

Тошкент автомобиль-йўллар институти

профессор-ўқитувчилар таркибидаги бўш ўринларга

танлов

эълон қилади.

Кафедра мудирлари: Химмотология; иқтисодий менежмент; тарих ва маданиятшунослик; фалсафа ва педагогика; янги демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти; чет тиллари; автомобиль йўллари; кўприклар ва транспорт туннеллари; аэропорт ва аэродромлар; электромеханика ва автоматика; йўл қурилиши машиналари ва жиҳозлари; физика; амалий механика; чизма геометрия ва муҳандислик графикаси; автомобиллар; автомобилларда ташиш ва ҳаракат хавфсизлигини ташкил этиш ва бошқариш.

Танловда қатнашиш учун аризалар эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой муддат ичида қабул қилинади.

Мурожаат учун маълумот: Тошкент шаҳри, Мовароуннаҳр кўчаси, 20. ТАЙИ ходимлар бўлими, тел: 56-15-29

Сайлов нима? Сайловчи ким? Ташаббускор гуруҳ-чи?

Азиз замондош!

Бугун шундай бўлаяпти — сарлавҳамиздаги сўзларга кўникма ҳосил қилаяпсиз. Улар тасаввуримизда ёрқин тушунча уйғотаяпти. Сезаяпмиз, тушунаяпмиз, фаҳмлаяпмиз — англаяпмиз. Ва, ҳаёт тарзимизнинг муҳим бир бурилиш нуқтаси сари юзланаяпмиз. Ҳаммамиз сиёсий онгимиз фаоллиги нечоғлик қамровга эга эканлигини имтиҳон қилиш арафасидамиз. Бу ишларни менга, оиламга, яқинларимга, ҳаётимга даҳли йўқ деб ўйлай оламизми? Йўқ, албатта. Демак, ҳар қайсимизнинг айни кунларда кечаётган сиёсий-ижтимоий жараёнларга нисбатан жиддий муносабатда бўлишимиз табиий. Мен яшаяпман, шу ҳаётда борман, тирикман ахир, менинг ҳам тасаввурим бор, мен кимдан камман, мен ҳам жамиятнинг бир бўлагиман, нега жамиятда содир бўлаётган воқеа ҳодисалардан мен ажралиб қолишим керак, унда менинг инсонлигим қаёқда қолади, ахир жамият менинг ўзим-ку, деган ғурур борми, ичимизда шундай кўтаринкилик ўти ёнаяптими, ботинимизда ўзлик борми? Бор... Ўлманг, энди сўзлашсак бўлади.

Азиз замондош!

Дунёдаги барча эзгу қонунларнинг энг гўзал ва содда ифодаси шу — инсоният бахтли, тинч, чиройли яшаши керак. Унинг орзу-умидлари, ойдин қарашларининг амалга ошувига хизмат қилади жамики қонуният. Улар хоҳ мураккаб шамойилда, хоҳ содда шаклда баён этилишидан қатъий назар ҳаммаҳамма яхши нарсалар инсоният учун, деган фикрга келиб тақалади, шундагина улуғ мазмун-моҳият касб этади.

Ҳозир сиёсий билимимиз синовдан ўтадиган палла.

Тафаккуримиз синаладиган чоғ.

Бугун бизнинг кимлигимиз ошкор бўлади.

Жаҳон кузатади — ўзбекистонликларнинг сиёсий фаоллиги қай тарзда?

Ҳуқуқий билимларимизни ҳаётнинг ўзи имтиҳон қилади.

Биз Олий Мажлисимизга кўппартиялилик асосида депутатликка номзод кўрсатамиз.

Биз Ўзбекистонимизда Президент сайловини альтернатив асосда ўтказамиз.

Менинг Парламентим, Менинг Президентим деган қутлуғ тушунчалар юрагимизда, онгу-шууримизда илдиз отиши муқаррар чоғларни бошдан кечираяпмиз.

Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларациясида халқнинг хоҳиш-иродаси ҳокимият асосини ташкил этишига урғу берилган.

Бу ҳолнинг эса сайловларда ўз ифодасини топиши зарурлиги қайд этилгандир.

Демак, биз бу жараёндан айро яшай олмаймиз. Сайлов келажагимиз, юртимиз равнақи, жамиятимизнинг гуркираб ўсиши тарафдори бўлган фуқароларнинг ишончи, ёруғ умидлари инъикосидир. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Қонунлар биз учун дастуриламал. Уларда ҳар биримизнинг сайлов ҳуқуқларимиз ҳеч қандай чеклашларга йўл қўймаслиги таъкидланган.

Азиз замондош!

Фикримиздан шундай ўй ўтди:

Сайлов — демократиянинг энг муҳим ва асосий белгиси.

Сайлов — бизнинг жамиятимизда Конституциявий институт мақомига эга.

Сайлов — ҳар бир фуқаронинг эркин тарзда амалга оширилиши мумкин бўлган ҳуқуқи.

Сайлов — жамиятимизда қонун устуворлиги намунаси.

Сайлов — ошкоралик кўзгуси.

Сайлов — аниқ мақсадлар сари интилаётган сиёсий партияларнинг сиёсий фаоллиги...

Сайлов — халқ ва жамият манфаатига мос давлат органларининг вужудга келишида асосий мезон.

Сайлов — жамият тараққиётига нафим тегиши шарт деган киши учун беқиёс имконият.

Бу имкониятни эса тушунган, тафаккур қамрови кенг инсон ҳеч қачон қўлдан бой бермайди. Яъни, у сайловчи сифатида ким учун овоз бериш кераклигини, кимни қўллаб қувватласа Ватанпарварлик бурчини сидқидилдан адо этишини яхши ҳис қилади. У депутатликка кўрсатилган номзодга шунчаки овоз бермайди. Менинг буткул орзу истакларимни, Ватанимнинг улуғвор режаларини амалга ошуви учун фидойилик қиладиган ва бу йўлдан қайтмайдиган номзод учун овоз беришим керак, деб ўйлайди у. Сайловчи овоз бераётган номзод ҳақида барча маълумотларга эга бўлиши шарт. Бу масъулиятли ишга кўр-кўроналик билан ёндошиб бўлмайди. Ўз ҳаёти, эртасини ўйламайдиган одамгина шундай қилиши, масалага шу тарзда, бефарқлик билан қараши мумкин. Ватан тақдири, халқ қисматига даҳлдор ушбу жараёнда ҳар қайсимиз сиёсий жиҳатдан фаол бўлишимиз зарурат.

Сайловчи ҳушёр турса, сергак бўлса, ўз қадрини англаса, албатта, Парламентимиздан кучли, забардаст инсонлар ўрин олади. Олий Мажлисимиз томонидан қабул қилинажак қонунлар эса етуклик мезони билан бойийди. Агар биз тушунчаси паст, фикри тўмтоқ, бир сўз билан айтганда номуносиб, тасодифий кишиларнинг Парламентга ўтиб қолишига йўл қўйсак тараққиётга тўсиқ бўламиз. Билимсиз, ваъдабоз, фақат хўжалик наказларини бажарувчи эмас, балки олий вакиллик органининг қонун яратувчи аъзоси бўладиган Инсонларнинг депутатликка сайланишидан Озод юртимиз аҳли манфаатдордир.

Сайловчи фақат ўзи учун овоз беради...

У энг муносиб номзодни қўллаб-қувватлайди.

Сайлов участкасига ўзгалар бюллетенини олиб келиб ташламайди.

Сайловчи — сайлов жараёнининг онгли иштирокчиси.

Сайловчи фаоллиги мамлакат аҳлининг салоҳияти, онгидаги ҳурфикрлик мезонларини белгилаб беради.

Сайловчи онгли бўлса, сайловнинг тўғри ўтиши таъминланади.

Сайловчи номзоднинг мансаби, кимлиги, обрў-эътибори учун эмас, балки унинг дастурига овоз беради.

Битта сайловчи фақат бир номзодни қўллаб-қувватлаб бир маротаба овоз беради.

Ва ниҳоят, сайловчилар Олий Мажлисда қонунлар лойиҳаси муҳокама қилинаётгани ва қонунлар қабул этилаётганидан хабардор бўлишлари, уларнинг аҳамиятини тушуниб етишлари зарурлиги. Ҳаётимиз билан боғлиқ, юртимиз ривожи учун ўқ илдиз бўлажак ҳар қандай қонун қабул қилинаётганда ўзи кўрсатган номзоднинг Парламент залидаги фаоллик даражаси қандай, у бу жараёнда жонбозлик кўрсатаяптими, умуман олганда, ўз сайловчисининг ишончини оқлай олаяптими, ҳаммаси сайловчига аён бўлиши керак.

Шундагина сайловчи катта доирада фикрлай оладиган, ўз талқини, таҳлили, хулосасига эга, қолаверса, билими мукаммал шахса овоз берганига амин бўлади. Гапнинг очиғи, депутат дегани сенга кўприк қуриб бераман, уйингга газ келтираман, йўлингни асфальтлаб бераман, ариғингни қазиб, тоннга шифер опкелиб, уйингни ёпиб бераман, боғингга сув келтираман деб эмас, Парламентда қабул қилинаётган қонунларга барча сайловчиларимнинг тақдирини ўртага қўйиб, мамлакатимнинг ёруғ эртаси учун теран муносабатда бўламан десагина эл-юрт ишончини оқлай билади. Бугун сайловлар мудроқликни эмас, фаолликни, сиёсий етукликни талаб қилаяпти.

Бу йилги сайловнинг ўзига хослиги, демократик тамойилларга мослиги, афзаллиги шундаки, депутатликка номзод кўрсатиш ҳуқуқига сиёсий партиялар ҳамда вакиллик органлари билан бирга бевосита фуқароларнинг ўзлари ҳам эга бўладилар. Яъни, ҳеч қандай сиёсий партия аъзоси бўлмасдан туриб, фуқаролар сиёсий ҳаётда иштирок эта оладилар. Депутатликка номзодлар кўрсатиш муддати бошлангандан бери **ташаббускор гуруҳлар** ҳам тузила бошлади.

Аввало, ташаббускор гуруҳ ҳақида...

Ташаббускор гуруҳ сайлаш ҳуқуқига эга фуқаролар томонидан тузилади.

Ташаббускор гуруҳда мазкур сайлов округидан энг камида 100 нафар сайловчи бирикиши керак.

Сўнгра ташаббускор гуруҳнинг аъзолари йиғилиш ўтказишади. Ва, ташаббускор гуруҳнинг ваколатли вакилини тайинлаш тўғрисида қарор қабул қилишади.

Ташаббускор гуруҳ йиғилиш давомида иккинчи масалани кўриб чиқади — мавжуд сайлов округидан Олий Мажлис депутатлигига номзод кўрсатиш хусусида қарор қабул қилади.

Сўнгра йиғилиш қарори ва баёни округ сайлов комиссиясига берилади.

Округ комиссияси ушбу ҳужжатларни ўрганиб чиқади.

Ҳужжатлар қонунга мос келса беш кун ичида сайловчилар ташаббускор гуруҳ рўйхатга олинганлигини маълум қилади ва уларга рўйхатга олинганлик борасида гувоҳнома беради.

Хўш, нега ташаббускор гуруҳ тузилишига эътибор қаратилди? Чунки, жойларда кишилар кимнинг нимага қодирлигини, эл-юрт манфаати учун қандай яхши ишлар қила олишини чуқур англайдилар. Қишлоқларимизда элпарвар, юксак фикрли, халқ бахт-саодати учун жонини аямайдиган, ҳалол, тоза, иймонли, бир сўз билан айтганда, эл ичида боши тик одамлар кўп... Улар доимо халқ олқишида. Кишилар бундай одамларга ишонишади. Уларнинг хулқатворидан намуна оладилар. Демак ана шундай юрт фидойиларининг номзодини депутатликка қўйиш ҳам кўпчиликнинг истак-ҳоҳишига айланиши табиий. Ташаббускор гуруҳнинг тузилиши эса сайловларнинг демократик тарзда ўтиши учун яна бир далил эканлигини кўрсатиб турибди.

Биз XXI аср остонасида бахт-иқболимиз, ёруғ кунларимиз сари юз буриш арафасидамиз.

Сиёсий фаоллигимиз, ўз ҳуқуқларимизни нечоғли англашимиз жамиятдаги мавқеимизни белгилайди.

Юксак онгли кишилар яшайдиган жамият доимо ўсишда, тараққий этишда давом этади.

Гуллаб яшнаётган жамият эса демократик тамойиллар шаклланганидан дарак беради.

Қўчқор НОРҚОБИЛ

Биласизми?

Сайловлар тақвими

Курраи заминнинг турли мамлакатларида вақти-вақти билан ўтказилаётган сайловлар тўғрисида ойнаи жаҳон ва матбуот орқали бохабар бўлиб борамиз. Хўш, бу йил қайси мамлакатда қандай сайловлар ўтказилиши режалаштирилган? Қуйидаги сайловлар тақвимидан бу ҳақда маълумот олишингиз мумкин.

Мамлакат	Сайлов тури	Муддати
Аргентина	Президент Парламент	октябрь
Австрия	Парламент	октябрь
Ботсвана (Африка жанубида)	Умумий	октябрь
Қирғизистон	Парламент	октябрь
Мозамбик	Президент Парламент	октябрь
Яман	Президент	октябрь
Португалия	Парламент	октябрь
Қозоғистон	Парламент	5 октябрь
Швейцария	Парламент	24 октябрь
Украина	Президент	31 октябрь
Уругвай	Президент Парламент	31 октябрь
Грузия	Парламент	октябрь
Тунис	Президент Парламент	октябрь
Гватемала	Президент Парламент	ноябрь
Тожикистон	Президент	ноябрь
Уругвай	Президент (иккинчи босқич)	28 ноябрь
Австралия	Референдум	ноябрь
Марокаш	Референдум	декабрь
Туркманистон	Парламент	декабрь
Чили	Президент	12 декабрь
Янги Зеландия	Парламент	18 декабрь
Россия	Парламент	19 декабрь

Ушбу маълумот Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг Ахборотномасидан олинди. (Биринчи сон. 1999 йил, май.)

Самарқандда биринчи

Нарпай туманидаги «Туркистон» жамоа хўжалиги меҳнат аҳли вилоятда биринчи бўлиб давлатга пахта сотиш режасини ошиғи билан уддалади. Қисқа муддатда хўжалик заршунослари 700 тонна пахта тайёрладилар.

Эришилган ютуққа ҳозиргача ҳар гектар экин майдонидан 26-30 центнердан ҳосил йиғиштириб олган. С. Бобомуродов, Т. Рўзимуродов, Ш. Тоғаев бошлиқ бригада деҳқонлари муносиб улуш қўшдилар. «Туркистон»чилар ялпи хирмонни минг тоннага етказиш учун йиғим-теримни авж олдирмоқдалар.

Вилоятда давлат режасини ошиғи билан уддалаётган хўжаликлар, фермерлар кун сайин кўпаймоқда.

Лутфулла МАМАСОЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Хотин-қизлар ва жамият тараққиёти

Қаршида республика хотин-қизлар қўмитаси ва Қашқадарё, Сурхондарё вилоят хотин-қизлар қўмиталарининг Аёллар йилига бағишланган «Хотин-қизларнинг жамият тараққиётдаги роли ва Гендер муаммолари» мавзуида семинар-кенгаш бўлиб ўтди.

Анжуман иштирокчилари аёлларнинг жамият бошқарувидаги фаоллигини таъминлашда маънавий комилликнинг аҳамияти, тадбиркорлик фаолиятини кучайтиришда хотин-қизлар марказларининг роли хусусида фикр билдирдилар.

Анжуманда Бош вазир ўринбосари, республика хотин-қизлар қўмитаси раиси Д. Ғуломова иштирок этди ва сўзга чиқди.

Илҳом ҚАРОМОВ

Оталар шодлиги — дунё шодлиги.

Абдувоҳид ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат

«Ўзбекистон овози»га жавоб берадилар

«Айби борнинг оёғи қалтирайди»

Газетанинг 1999 йил 6 апрель сонида чоп этилган «Айби борнинг оёғи қалтирайди» сарлавҳали мақола юзасидан қуйидагиларни маълум қиламиз.

Мақолада Узун тумани ҳокимининг ўринбосари И. Назаров Узун тумани халқ таълими бўлимига қарашли хизмат машинасини сабабсиз уйда сақлаётганлиги қайд этилган. Туман халқ таълими бўлимига қарашли хизмат машинасини сабабсиз уйида сақлаб юрганлиги учун Узун тумани ҳокимлиги томонидан И. Назаровга огоҳлантириш берилди. Шунингдек, туман солиқ инспекциясининг текширув хулосасига кўра, тумандаги 18-ўрта мактаб директори А. Кенжаев ва мактабнинг хўжалик ишлари бўйича директор ўринбосари А. Абдумўминовдан ғазна интизомининг бузилишига йўл қўйганлиги сабабли уларнинг ҳар биридан 4500 сўм миқдорида маъмурий жарима ундирилди.

Тумандаги Ж. Эшмирзаев номли жамоа хўжалигининг «Тожикобод» маҳалла қўмитаси раиси И. Кабировнинг республика Бош прокурори номига ёзган хати бўйича Узун тумани прокуратураси томонидан текширув ишлари олиб борилмоқда.

Сурхондарё вилоят ҳокими
Ж. НОРАЛИЕВ.

«Қишлоқ боғчаси муаммолари»

Сирдарё вилоят ҳокимлиги «Ўзбекистон овози» газетасининг 1999 йил 20 май сонида чоп этилган «Қишлоқ боғчаси муаммолари» сарлавҳали танқидий мақолани шаҳар ва туман ҳокимлари, уларнинг ижтимоий масалалар бўйича ўринбосарлари, вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги, халқ таълими бошқармаси раҳбарлари ҳамда мутахассислари иштирокида атрофлича муҳокама қилди.

Мақолада қайд этилган камчиликларни бартараф этиш юзасидан чора-тадбирлар белгиланди.

Шаҳар ва туман ҳокимларига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 26 сентябрдаги «Идорага қарашли ижтимоий соҳа объектларини жойлардаги давлат ҳокимияти органлари балансига босқичма-босқич ўтказиш тўғрисида»ги қарорининг бажарилишининг боришини атрофлича ўрганиб чиқиб, алоқадор ташкилотлар раҳбарлари иштирокида муҳокама қилиш, камчилик ва хатоликларга йўл қўйган раҳбарларга нисбатан қаттиқ чоралар қўллаш вазифаси топширилди.

Вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасига хўжалик тасарруфидаги фойдаланиш имконияти бўлмаган ва ҳозирги кунда фойдаланилмаётган мактабгача тарбия муассасаларини тегишли вазирликлар орқали далолатлаштириш ҳамда ҳисобдан чиқариш, қисқа муддат ичида боғчаларни қайта таъмирлаб ишга туширишини таъминлаш юклатилди.

Вазирлар Маҳкамасининг «Идорага қарашли ижтимоий соҳа объектларини жойлардаги давлат ҳокимияти органлари балансига босқичма-босқич ўтказиш тўғрисида»ги қарорига асосан Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигига қарашли 178 та боғчадан 1998 йилда 34 таси, 1999 йилда 32 таси халқ таълими тасарруфига ўтказилган ва бу 66 та боғча тўлиқ фаолият кўрсатмоқда. Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тасарруфида қолган боғчалардан 25 таси фаолият кўрсатаяпти, 87 таси тўлиқ таъмирланиб Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан тасдиқланган жадвал асосида давлат ҳокимияти органларига босқичма-босқич топширилади.

Шаҳар ва туман ҳокимликларига, тасарруфида боғчаси бўлган ташкилотларга боғчаларнинг доимий ишларини таъминлаш чора-тадбирларини кўриш ва ишлашини доимий назорат қилиш топширилди.

Вилоят ҳокимининг
биринчи ўринбосари А. ПРИМҚУЛОВ

«Шартнома тузиш ҳангомаси»

«Ўзбекистон овози» газетасининг 1999 йил 18 май сонида чоп этилган «Шартнома тузиш ҳангомаси» сарлавҳали мақоласи вилоят ҳокимлигининг мутахассислари томонидан ўрганиб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ва «Ўзпахтасаноатсотиш» ҳиссадорлик уюшмасининг қўшимча хатига асосан шартномалар тузишни тугаллаш муддати 15 декабргача белгиланган.

Фарғона тумани ҳокимлиги ҳамда ушбу тумандаги У. Юсупов номли жамоа хўжалигида шартнома тузилишини уюшқоқлик билан ўтказиш мақсадида 1998 йил 22 декабрь куни шу масалага дахлдор раҳбарлар ва ходимлар иштирокида шартнома тузиш тўғрисида тушунтириш ишлари олиб борилиб, ушбу шартномалар хўжалик раҳбарларига тақдим этилган. Мақоладаги ҳолат юзасидан Фарғона туман хокимлиги ҳузуридаги маҳсулотларни тайёрлаш ва сифати бўйича давлат инспекцияси бошлиғи А. Жўраевни ўз хизмат вазифасига совуққонлик билан қараганлиги учун интизомий жавобгарликка тортиш тўғрисида Фарғона вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги маҳсулотларни тайёрлаш ва сифати бўйича давлат инспекциясига 1999 йил 10 июнь куни тақдимнома киритилиб, А. Жўраевга нисбатан интизомий чора сифатида хайфсан берилди.

Вилоят «Пахтасаноатсотиш» ҳиссадорлик бирлашмаси ҳамда вилоят ҳокимлиги адлия бошқармаси мақолада ёритилган танқидий фикрларнинг қайтармаслигини ҳар томонлама ўрганиб чиқиб, келгусида тузиладиган шартномаларни қонун талабларига тўла жавоб берадиган тадбирларни белгилаб, уларнинг бажарилишини қаттиқ назорат остига оладилар.

Вилоят ҳокимининг
биринчи ўринбосари
А. ЙЎЛБАРСОВ

Маконимиз ягона, тақдиримиз ҳам

Миллати, ирқи, динидан қатъи назар, оддий одамлар билан суҳбатлашсангиз дунёнинг турли бурчакларида содир бўлаётган мантиқсиз урушлар, ваҳшийликларни ёппасига қоралайдилар. Ҳамманинг фикри-хаёлида тинч меҳнат қилиш, ўз турмуш даражасини яхшилаш, болаларининг камолини кўриш. Ҳеч бир халқ босқинчиликларни, одамлар осойишталигига тажовуз қилувчи ҳаракатларни қўллаб-қувватламайди.

Тарихдан маълумки, азалдан урушлар, тахт учун бегуноҳ халқ қонини тўкишлар яхшиликка олиб келмаган. Зулмни байроқ қилган давлатлар парчаланиб, йўқликка юз тутган. Ёвуз кучнинг, жаҳолатнинг катта-кичиги бўлмайди. У миллат танламайди. Хотиржамликка берилса, атрофда содир бўлаётган воқеаларга лоқайдлик билан қаралса, ёмонликнинг уруғи тез тарқалади. Бундан авваламбор, бегуноҳ одамлар азият чекади. Афғонистон, Россия, Тожикистон, Қирғизистондаги воқеалар буни яна бир карра исботлаб турибди.

Ер юзидаги ҳар қандай ваҳшийликни инсониятга қаратилган хуруж деб ҳисоблашимиз керак. Қўшнининг ташвишини ўзимники деб қабул қилишимиз лозим. Чунки бир халқнинг бахтсизлиги атрофдаги халқлар бахтига соя солади. Кўшни давлатдаги қашшоқлик, иқтисодий инқироз ўзга мамлакатлар тараққиётига зиён етказади.

Нега энди одамлар меҳнати билан яратилган моддий бойлик, нознеъмат уларнинг фаровонлигини оширишга эмас, аксинча емиришга қаратилиши керак? Халқаро терроризм қўллаб-қувватлаб турган ўша бойваччалар бойликни қаёқдан топган? Ўша маблағлар айнан азият чекаётган кишилар меҳнати маҳсули эмасми? Миллионмиллион доллар пуллар осмондан бир кунда тушиб қолмагандир!

Ахир, дунё халқларининг илмий, иқтисодий салоҳияти, ортиқча моддий маблағлари инсоният олдида турган жаҳоний муаммоларни ҳал қилишга қаратилиши керак эмасми? Зотан, инсониятга экологик, энергетик, озиқ-овқат, демографик муаммолар хавф солиб турганлиги сир эмас-ку! Марказий Осиё минтақасини ҳам бу муаммолар четлаб ўтмаган. Биргина Орол денгизининг қуриши билан боғлиқ экологик, иқтисодий-ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш минтақадаги барча давлатларнинг биринчи навбатдаги вазифаси-ку?! Дунё халқларининг умумий уйи — планетамизда ҳаётни сақлаб қолиш билан боғлиқ муаммолар кўндаланг бўлиб турган бир пайтда, ҳокимият учун, қандайдир ақидалар учун курашиб, одамлар қонини тўкиш ўта мантиқсизлик эмасми?

Бир аср мобайнида дунё давлатлари турли «лагер»ларга, ҳарбий блокларга бўлиниб олиб, қуролли урушлар, сохта ғоялар қураши тараққиётни қанчалик жиловлаб турганлигини ҳамма тушуниб етди. Собиқ иттифоқ ҳудудида мустақил давлатлар пайдо бўлиб, ўзининг янги давлатчилигини барпо қилаётган, ўз тараққиёт йўлини танлаб олган бир пайтда, яна инсониятга қарши қаратилган қора кучлар, зарарли ақидалар пайдо бўлаётганлигидан одамлар ташвишга туша бошлади.

Қаранг, ҳудудий жиҳатдан ер юзининг энг катта, улкан салоҳиятга, бир вақтлар бутун дунёни кўркув остида ушлаб турган армияга, ядро қуролига эга Россия ҳам терроризм олдида эсанкираб қолди. Россия ҳудуди ва аҳолисининг бир фоизини ҳам ташкил қилмайдиган Чеченистонда хуруж қилган экстремизм унинг тинчлигига хавф солмоқда.

Чеченистон, Тожикистон ва Қирғизистон ҳудудида изғиб юрган қузғунларнинг халқаро экстремистик марказлари билан алоқалари борлиги, улар томонидан катта пул маблағлари ва қурол-яроғлар билан таъминланаётганликлари ҳақида оммавий ахборот воситаларида асосли далиллар орқали тез-тез гапирилмоқда. Шу ерда савол туғилади. Нега энди улар ўз ғояларини, ғаразли ниятларини айнан шу ҳудудлар орқали амалга оширмоқчи бўлмоқдалар?

Огоҳлик

Дарахтнинг бўшини қурт ейди, деган ибора бор. Шунга ўхшаб, қаерда ижтимоий-сиёсий вазият беқарор бўлса, ўзибўларчилик ҳукм сураётган бўлса, ёвуз ниятларни амалга ошириш имкони катта бўлади. Чунки уларда шахсий, турли гуруҳлар манфаати халқ, давлат манфаатидан устун қўйилмоқда. Айрим сиёсий гуруҳлар, экстремистик ақидапарастлар давлатнинг иқтисодий тараққиётини ўйлаш ўрнига турли ғаламис сиёсий, ҳарбий режалар тузиш билан шуғулланмоқдалар.

Юртбошимиз ўша машъум «Ўш воқеалари»дан кейин, мана 10 йилдан буён Марказий Осиёда тинчлик-осойишталикни сақлаш учун барча давлатлар, халқлар ўртасида ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, «Туркистон — умумий уйимиз» шиорини олға суриш, атрофида содир бўлаётган воқеалардан ҳар доим огоҳ бўлиш, хатарнинг олдини олиш лозимлигини қайта-қайта такрорлаб келмоқдалар. Афсуски, ҳар доим ҳамма ҳам унинг асл моҳиятини ўз вақтида охиригача тушуниб етмади.

Наҳотки, 20 йилдан бери давом этиб келаётган Афғонистондаги уруш оқибатлари баъзиларнинг кўзини очмаган бўлса?! Бутун бир халқнинг давлатчилиги, иқтисодиёти кўз олдимизда нураб боряпти. Энг ёмони, унинг қора шарпаси худди «афғон шамоли»дек бошқа минтақаларга кириб келмоқда. Президентимиз яқинлашиб келаётган хавф-хатарни олдиндан сезиб, катта минбарлардан туриб бутун жаҳон ҳамжамиятини «афғон муаммо»сини тезроқ ҳал қилиш лозимлигини қайта-қайта такрорлади. Аниқ таклифларни ўртага ташлади. Тошкентда «6+2» учрашувини ўтказиш ғояси ҳам юртбошимизга мансуб.

Яна бир масала. Сохта демократия, бебош митингбозликлар қандай салбий оқибатларга олиб келганлигини Тожикистон мисолида кўриб турибмиз. Мансабпарастлик касалига дучор бўлган кишилар ўз муддаоларини амалга ошириш борасида олиб бораётган ёвуз ниятларига эришиш йўлидаги қора ишлари, мамлакатдаги вазият нафақат Тожикистонга, балки атрофдаги давлатлар тинчлигига ҳам хавф солиб турганлиги яққол кўриниб турибди.

Ҳозир Қирғизистонда содир бўлаётган воқеалар айнан Афғонистон, Тожикистон ва Чеченистондаги вазиятнинг «меваси» эмасми? Айнан шу давлатлар ҳудудлари экстремистик гуруҳлар режаларини амалга ошириш, террорга тайёргарлик кўриш, тажриба ўрганиш майдонига айланиб қолди. Халқаро террорчилик марказлари ўртасида кўприк вазифасини ўтамоқда. Турли давлатларда оғир жиноятлар содир этган кишилар норасмий бошпана топмоқдалар.

Ахир, инсон учун энг олий ҳуқуқ — тинч-осойишта яшаш ҳуқуқи эмасми? Шу ҳуқуқ таъминланмаса, одамларнинг бошқа ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳақида гап бўлиши мумкин эмас. Ёки бўлмаса, урушлар давом этаётган давлатларда демократия ҳақида ўйлаш мумкинми?

Ўрта Осиё халқларининг нафақат тарихи, маданияти, дини, балки иқтисодиёти ҳам ўзаро чамбарчас боғланиб кетган. Бир юртдаги иқтисодий-ижтимоий вазият тўғридан-тўғри минтақадаги иккинчи давлатга таъсир кўрсатади. Президентимиз Ислом Каримов айнан шуларни назарда тутиб, Марказий Осиёда ягона иқтисодий макон тузиш ғоясини кўтарган эдилар.

Айниқса, Ўрта Осиёда Ўзбекистоннинг ўрни алоҳида. Дунёнинг манаман деган сиёсатчилари ҳам минтақадаги иқтисодий ва сиёсий барқарорлик тўғридан-тўғри Ўзбекистондаги вазият билан боғлиқлигини таъкидлашмоқда. Агар Ўзбекистондаги барқарор вазият, иқтисодий тараққиёт бўлмаганида Тожикистондаги аҳвол бундан-да чигаллашиб кетиши ҳеч гап эмас эди.

Совет даврида Ўрта Осиё республикалари иқтисодий салоҳиятининг 60 фоиздан ортиғи Ўзбекистон ҳиссасига тўғри келган. Ҳозир бу кўрсаткич ундан ҳам баланд. Чунки атрофимиздаги давлатларда ишлаб чиқариш кескин тушиб кетиб, иқтисодий барқарорлик таъминланмаган бир пайтда бизда ишлаб чиқариш 1990 йилга нисбатан камаймаслигига эришилди. 1996 йилдан бошлаб эса иқтисодий ўсиш бошланди.

Ўрта Осиё давлатларидаги аксарият саноат корхоналари қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти билан узвий боғланган. Буни биргина табиий газ мисолида ҳам кўриш мумкин. Агар бизда табиий газ қазиб олиш бошқа давлатлардагидек камайиб кетганида четга газ экспорт қилиши имконияти чекланиши аниқ эди. Бундай шароитда Қирғизистоннинг Ўш ва Жалолобод вилоятларида саноат корхоналарнинг аксарияти биздаги табиий газ ҳисобига фаолият кўрсатаётганлигини, хонадонлар иситилаётганлигини ҳисобга олсак, вазият қандай аҳволга тушиб қолишини тасаввур қилиш қийин эмас. Бунинг устига фойдаланилаётган табиий газга ҳақ тўлашда уларга айрим имтиёзлар берилган. Қолаверса, 70 миллион АҚШ доллари сарфлаб қурилган Хўжаобод ер ости газ омборининг ишга туширилишидан қирғизистонликлар ҳам баҳраманд бўлишади.

Кўшни давлатлардаги мураккаб вазият, ўзаро алоқаларнинг айрим соҳаларида бир фикрга келинмаганлиги сабабли Ўзбекистон унча-мунча ёш давлатлар иқтисодий-молиявий қудрати кўтара олмайдиган лойиҳаларни амалга оширишни тезлаштиришга мажбур бўлди.

Ягона коммуникация тизимини яратиш, жумладан мамлакат ичкарисида ягона транспорт тизимини барпо қилишни тезлаштиришга мажбур бўлдик. Асримиз қурилиш десак ҳеч бир муболаға бўлмайдиган Қамчиқ довонидаги ишлар ҳамда Навоий-Учқудуқ-Султонувайс-Нукус ва Ғузор-Бойсун-Қумқўрғон темир йўллари қурилиши бошлаб юборилди.

Ўзбекистон қурувчилари қатнашаётган Ўш-Иркиштом-Саритош--Қашқар автомагистрали қурилишидан энг кўп Қирғизистон томони баҳраманд бўлмайдими? Ушбу лойиҳанинг амалга оширилиши иқтисодий жиҳатдан қолоқ, ҳали ўзлаштирилмаган ҳудудлар ишлаб чиқариш кучларини ривожлантиришда муҳим омилдир. Агар Ўш вилоятидаги вазият барқарорлашмаса, экстремистик ҳаракатларга барҳам берилмаса, унинг қурилишини давом эттириш ҳам кечикиши мумкин.

Бир кун жанжал бўлган уйдан 40 кун барака кўтарилади, деган нақл бор. Уни иқтисодиётга татбиқ қиладиган бўлсак, Афғонистон, Тожикистон ва бошқа давлатлардаги урушлар улар тараққиётини бир неча ўн йилларга орқага суриб ташлади.

Энг ёмони минтақамизнинг халқаро майдондаги обрўси тушади, хорижий ҳамкорликда ҳадиксираш кучаяди. Биргина 4 та япон мутахассисининг гаровга олиниши Қирғизистоннинг хорижий давлатлар билан қиладиган иқтисодий алоқаларига, жумладан, чет эл инвестициялари кириб келишига таъсир қилмай қолмайди.

Минтақадаги давлатлар, халқлар ҳамжиҳат бўлса, заминимизга ҳеч қандай пуштун ҳам, толибон ҳам, турли экстремистик ғоялар ҳам яқинлаша олмайди. Демак, азалдан макони ягона халқларнинг тақдири бундан буён ҳам муштарийдир. Буни бир дақиқа ёддан чиқариб бўлмайди.

Авазхон СОДИҚОВ,
иқтисодий шарҳловчи

Айни кунларда Хоразм вилоятининг барча шаҳар ва қишлоқларида Жалолиддин Манғуберди таваллудининг 800 йиллигига қизғин тараддуд кўрилаяпти. Айниқса, Урганч шаҳридаги Шовот каналининг икки томони қирғоқларида Жалолиддин Мангуберди мемориал мажмуи жадал суратлар билан бунёд этилмоқда.





Бу улкан иш барча етакчи қурилиш ташкилотлари томонидан амалга оширилаяпти. Ҳозиргача мажмуида 300 миллион сўмлик бунёдкорлик иши бажарилди.

Яқинда шу санага бағишлаб вилоят телемарафони бўлиб ўтди ва унда Жалолиддин Мангуберди жамғармасига 25 миллион сўмга яқин маблағ тушди. Вилоят аҳли буюк аждодлари хотираси олдидан бундай хайрли ишларни ўзлари учун бурч деб биладилар. Зеро, мана шундай қадамжоларни барпо этиш — қадим воҳанинг порлоқ келажагидан ҳам далолатдир.

Суратларда: 1. Участка бошлиғи Бахтиёр Раззоқов ўз ишининг устаси. 2. Урганч шаҳрида барпо этилаётган Жалолиддин Мангуберди мажмуида қизғин иш кетмоқда

Феруз ЖУМАНИЁЗОВ (ЎзА) олган суратлар.

Театр — ибратхона

Қирол Лир

Шу йилнинг июнь ойида Ҳамза номидаги ўзбек Давлат академик драма театрида В. Шекспирнинг «Қирол Лир» спектаклининг премьераси бўлиб ўтди. Бу спектакль ўзининг бадиий савияси билан маданий ҳаётимизда муҳим воқеа бўлди. Бу асар театр саҳнасида икки бор саҳналаштирилган бўлиб, театр тарихида маълум из қолдирган биринчи спектакль 1966 йилда, бундан 33 йил бурун ўйналган. Уларнинг бадиий қимматини бир-бири билан қиёслаш қийин. Чунки, ҳар иккала спектакль ўз бадиий ва фалсафий йўналиши билан Шекспир ҳикматларини чуқур таҳлил этиши, режиссура ечими ва янги ижрочилари билан фарқланади. Спектакль муваффақияти ва унинг тақдири Қирол Лир образининг юксак савияда яратилишига боғлиқ. Л. Н. Толстой Қирол Лир Шекспир образлари ичида энг мураккаблиги ва кўп қирралиги билан ажралиб туради, деган эди. Шунинг учун ҳам дунё театр тарихида кекса Лир образини яратиш камдан кам артистларга насиб бўлган. Унинг чуқур фожиасини, руҳини поёнига етиш учун актёрнинг ўзи ҳам ёши бир жойга етиб борган, ҳаётий тажрибалари жиҳатидан ҳам Лир дунёсини чуқур идрок эта оладиган илоҳий истеъдодга, катта қучга эга бўлиши керак. Олийҳимматлик ва зиддиятларга тўла Лир образини яратиш атоқли санъаткоримиз Турғун Азизовнинг ғарзуси эди. У бир неча йил шу образ тагига етиш учун Лир фожиалари билан руҳан яшаган, уни чуқур таҳлил қилиш устида тинимсиз ишлаган ва улкан ютуқларга эришган.

Парда очилиши олдидан музика садолари қандайдир дахшатли воқеалар кутилаётганидан дарак беради... бўроннинг ғувиллаши, бурғу товушлари, чақмоқ, момақалдироқ... саҳна ўртасида ғилдираксимон осилма оламнинг айланиб туриши рамзий маъно қашф этади. Саҳнадаги ҳашаматли сарой безаклари, ғам-ғусса билан тўла мамлакатнинг аламлари билан алмашиб туради. Кўп ўтмай саҳнада содир бўлаётган воқеалар томошабин руҳини қамраб олади. Саҳнада сочлари симоб каби оқариб кетган кекса Лирнинг ачинарли қиёфаси, кўз ёшлари, бақириқлари, афсус надоматлари томоша залини ҳам ғам-ғуссага тўлдиради. Бу Турғун Азизовнинг Қирол Лири эди. У узоқ давр ҳукм сурган, бир вақтлар ўз куч қувватига ишонган, ўзига ортиқча баҳо берган буюк қирол. Энди у, чўли биёбонларда дарбадарликда юрибди, у шоҳона кийимда ҳам эмас. У жуда мулойим, паст товушда сўзлайди, ички олийжаноблик, сезги ва туйғулар билан нималарнидир англай олмаётгани сезилади. Шу билан бирга мағрурлигини ҳам англаб олиш қийин эмас. Ҳаётнинг адолатсизликларидан озор чеккан, бошига тушган аччиқ ҳақиқатни англай ололмаётган, қизларининг шу қадар шафқатсизликларига ишонолмаётган, ниҳоят паришон ва ғамгин Лир қиёфасининг ачинарли тимсоли эди. Актёр Лирнинг мана шу чекаётган изтиробларини, озор чекаётган юрагини ниҳоят таъсирли ифодалаб берган.

Хўш қиролнинг бундай аҳволга тушиб қолишининг сабаби нимада? Турғун Азизов истеъдодининг ўзига хос хусусиятларидан бири у ўйнаган қаҳрамонларида ҳар вақт инсоннинг маънавий буюклигини шарафлаган. Унинг талқинидаги Лир ҳам буюк инсон ва ниҳоят эҳсонли киши. У 80 ёшга тўлган, ҳотини вафот этгач мамлакатни ва давлатини уч қизига бўлиб бериб оталик меҳрини ифодалаш, ўзининг ҳотамтойлигини кўрсатиш, бу билан фахрланиш, сўнгра охиратини ўйлаб, тавба тазарру билан яшаш, кексалик гаштини сурмоқни ният қилган эди. Лир қақшаган вужуди, кўз ёшлари билан қизларини қарғайди... Энди фақат қизларининг хиёнатларигина эмас бузилган мамлакатни қоплаб олган маънавий тушкунлик, мудхиш ёвузликлар, адолатсизликлар ҳам уни қийнарди. Унинг азоблари, оҳу-зорлари, фожиалари томошабинда ҳамдардлик уйғотади. XX аср жаҳон театрлари тарихида Қирол Лир образини юксак савияда яратишда шуҳрат қозонган санъаткорлар — П. Скофельд (Англия), С.М. Михойлс, М. Царёв (Россия), Олим Хўжаевлар эгаллаган шоҳсупага Т. Азизовни яқинлаштирди. Режиссёр ва актёрлар спектаклда инсонпарварлик ғояларини ташувчи ижобий типларнинг ҳам қатта куч ва эҳтирос билан талқин қилганлар. Чунончи Граф Глостр ҳам Лир каби инсоний олийжанобликни, маънавиятни ўзида мужассам этган шахс. Лир хонадонида юз берган воқеалар Глостр хонадонида ҳам содир бўлади, Лир кичик қизини қувиб солган бўлса, Глостр ўғай ўғли Эдмунд ғиғосига учиб катта ўғли Эдгарни ўйидан бадарға қилади. Лир катта қизлари томонидан ҳайдалган бўлса, Глостр маккор ва бадкор ўғли Эдмунд томонидан қувғин қилинади. Глострни мураккаб ва фожиали хиссиётларга тўла образини Ҳожиакбар Нурматов ва Ғайбулла Ҳожиевлар жуда катта истеъдод билан тасвирлаб томошабин эътиборига сазовор бўлганлар.

Спектаклда Мадина Мухторова ижро этган Кардилия латофатли, қамтар, соф кўнгилли қиз. У меросдан маҳрум бўлганига қайғурмайди, ота меҳридан айрилиб қолгани учун азоб чекади. Кардилия француслар қароргоҳида отаси ҳақидаги ҳақиқатни эшитиб қаттиқ қайғуради. Унинг кўз ёшлари ва табассуми қуёш чарақлаган кунни эслатарди.

Ҳақоратланган, эзилган, виждон азобини чекаётган, қаҳоҳат олдида тиз чўкишни билмайдиган соф қалбли граф Кент образини Пўлат Носиров маҳорат билан ижро этган. Унинг Кенти мағрур ва садоқатли, кек сақламай кийимини ўзгартириб дарбадарликда юрган Лирга ҳамроҳлик қилиши томошабиннни ҳаяжонга солади.

Маҳмуд Исмоилов яратган Эдгар образи атаси Глостр фожиасини тўлдиради. Ожиз бўлиб қолган Глостр ўзини жиннликка солиб ўрмонларда қочиб юрган ўғли Эдгар билан тасодифан учрашиб қолади, ўғлини танимайди, етаклаб юришини сўрайди. Глостр: «замон шундай... сўқирларни тентак етаклар» деган сўзлари томошабиннни Глостр дардига қўшиб юборади. Глостр ва Эдгар саҳналари актёрлар томонидан жуда ачинарли тасвирланган. Айниқса М. Исмоиловнинг спектакль охирида отаси ва ўзи учун хоинлик қилган Эдмуддан ўч олиши уни қатл этишдаги ҳасорати томошабин қутган саҳнадир. Лирнинг масхарабози азалдан хўрланиб келганлардан бўлиб, унинг қиёфаси, ҳаракатлари, қизиқ маъноли сўзларида халқ донолиги ифодаланган, Лирнинг ножўя ҳаракатларини, замоннинг разиллигини фош этади. Лирнинг ўз хатоларини тезроқ англаб олишига ёрдам беради. Бу мураккаб шу билан бирга доим хушнуд масхарабоз образини Тоҳир Саидов жуда катта иштиёқ ва завқ билан ўйнаган. Инсоф ва инсоний ҳимматга тўла герцог Албанин Эркин Комилов ижросида инсофли, ҳалол, адолат шахс сифатида саҳнада гавдаланган. У хотини Ганирильянинг қилмишларига қарши қурашади, Лирни ҳимоя қилади. Актёр ўз қаҳрамонининг оғир кечинмаларини ишонарли тасвирлайди. Спектаклда салбий типлар ҳам ёркин тасвирини топган. Беҳзод Муҳаммадкаримов ижросида Эдмунд амал, бойлик орттириш йўлида ҳеч қандай разилликдан, жиноятдан ҳайиқмайдиган шуҳратпараст, инсоний тамойилларни оёқ ости қилувчи худбин шахс, ёвузлик тимсолидир. Актёр бутун вужуди билан Эдмунд кирдикорларини томошабин ҳукмига ҳавола қилади. Акаси Эдгарни туҳмат билан қувғин қилиб меросдан маҳрум этади? Отаси Глострни дарбадарликда юрган Лирга ҳайриҳоҳликда айблаб, оёқ қўлини боғлаб икки кўзини ўйиб уйидан ҳайдаб юборади, асир тушган Лир ва Кардилияни ўлимга ҳукм қилади, Ганерилья ва Реганага ёлғон муҳаббат изҳор этиб опасингил ўртасида рашқ ўтини ёндиради, уларни ҳалокатга гирифтор қилади. Таникли санъаткорларимиз Саида Рамитова ва Сайёра Юнусова Шекспир образларини таҳлил қилишда ўзларининг юксак истеъдодларини намойиш этганлар.

Спектаклнинг муваффақиятли саҳналаштиришда уч ёш истеъдод композитор Алишер Икромов, режиссёр Сергей Каприелов, рассом Бахтиёр Тўраевларнинг изланишлари, ижодий ҳамкорликлари эътиборга лойиқ. Улар асарнинг бадиий ва фалсафий моҳиятини чуқур очишга эришган. Спектакль моноспектакль шаклида саҳналаштирилган, майда деталлардан қочилган, образлар ҳам монументал йирик ҳолатда яратилган. Спектакль инсон шахсини, маънавиятини улуғлайди, оила ва давлатни мустаҳкамлаш, садоқат билан ҳиёнат, олийжаноблик билан худбинлик, севги билан нафрат, буюклик билан пасткашликлар чуқур таҳлил қилинган, спектакль одамлар дилидаги эзгу ниятнинг ғалабаси, фалсафий ва маънавий мазмун билан якунланади.

Мамажон РАҲМОНОВ,
Ўзбекистон Фанлар академияси мухбир аъзоси

Ҳафталик кўрсатувлар



ДУШАНБА 27

TV

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.40 «Таҳлилнома»
8.40 «Рақслар гулдастаси».
9.05 «Ўзлик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
9.35 «Довюраклар». Телесериал.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар
10.05 «Аждаҳо ва қўёш». Мультфильм.
10.20 «Олтин тоҳ». Телевизион ўйин.
10.40 Кундузги сеанс: «Муҳаббат тилсими». Бадиий фильм.
12.05 Ўзбекистон телерадиокомпанияси хор жамоасининг концерти.
12.40 «Шоҳруҳ» клуби.
13.10 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Қайта ҳаёт бағишлаб». Премьера.
13.20 «Олтин дала». Ахборот-мусиқий кўрсатув.
14.10 «Меҳригиё».
14.25 «Эртаклар — яхшиликка етаклар».
15.20 «Қишлоқ ҳақида ўйлар».
15.35 Ватан тимсоллари.
15.40 Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллиги олдидан: «Пурзиё маъво». Ҳужжатли видеофильм. 11-қисм.
16.00 Ёш ҳонандалар концерти.
16.25 «Одам-амфибия». Бадиий фильм.
18.10 «Зумраша». Ҳажвий киножурнал
18.20 «Истиқлол ва тарих».
19.00 «Мувозанат».Ахборот-таҳлилий кўрсатув.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Биржа ва банк хабарлари.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.05 Сайловлар ва сиёсий партиялар. «Халқ Демократик партияси».
21.25 «Мукофот муборак». Мусиқий дастур. 1-қисм.
22.20 «Аёл — олам чироғи».
23.00 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 84-қисм.
23.50 «Ахборот».
00.20-00.25 Ватан тимсоллари.

YOSHLAR TELEKANALI

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади («Кувноқ учрашув», мультфильм)
18.40 «Буюк юрт фарзандиман».
18.55 «Мусиқий лаҳзалар».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «Ёшлар» телеканалида.
19.35 «О, ёшлигим».
19.55 «Мусиқий лаҳзалар».
20.05, 20.35, 23.30 - Эълонлар.
20.10 «Ёшлар» телеканали намойиш этади «Ҳақиқат чегараси» Телесериал.
20.40 «Сурур». Мусиқий дастур.
20.55 «Менинг орзуим».
21.00 «Жаҳон». Халқаро шарҳ.
21.15 «Душанбада кўришгунча».
21.30 «Ҳаёл».
21.50 «Мусиқий лаҳзалар».
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 «Ёшлар» телеканалида.
22.35 «Эгиз қўшиқлар».
22.55 «Олам футболи».
23.15 Шарқ эстрадаси.
23.35 «Инспектор Морз». Телесериал.
01.20 «Хайрли тун!»

TRV

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.15 «Сен ҳақингда ва сен учун».
18.30, 21.30, 22.30, 23.30 «Пойтахт». Ахборот кўрсатуви.
18.45 Телегазета «Экспресс».
18.55 «Қалтис ўйинлар». Телесериал. (Мексика).
19.25 Спорт шарҳи.
20.20 «Клип-совға».
21.30 «30-канал»да киноокшом.
23.15 «Бажаришнинг имкони йўқ». Саргузашт сериал (АҚШ).
24.00 Мусиқий-дам олиш дастури.

СЕШАНБА 28

TV

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».
8.30 Марказий газеталар шарҳи.
8.45 «Шарқ тароналари» II Халқаро мусиқа фестивали.
9.10 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 84-қисм.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 Янги алифбони ўрганамиз.
10.25 Кундузги сеанс: «Лаввлрлик овчи». Бадиий фильм.
«Умид» намойиш этади:
11.35 «Шоирлар — болаларга».
12.05 «Янгиланиш».
12.25 «Истиқлол ва тарих».
13.05 «Оламга саёҳат». Кинокўсатув.
13.25 «Севги сўрури». Мусиқий дастур.
14.10 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Унутилмас кун».
14.20 «Ринг». Спорт дастури.
14.50 Ўзбек қўйларидан концерт.
15.20 «Шаҳар бедарвоза эмас».
15.40 Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллиги олдидан: «Пурзиё маъво». Ҳужжатли видеофильм. 12-қисм.
16.00 «Қамоқ муддати ўтгунча». Бадиий фильм.
17.30 Ватан тимсоллари.
17.35 «Яхшилар ёди». Адабий кўрсатув.
18.10 «Бешбармоқ». Тележурнал.
18.30 «Олам ва одам».
18.40 «Муҳаббат дарси».
19.05 «Вазият».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Зиё».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.05 Сайловлар ва сиёсий партиялар. «Адолат» социал-демократик партияси.
21.25 «Мукофот муборак!». Мусиқий дастур. 2-қисм.
22.35 «Озод ва обод юрт».
22.55 «Тўпсиз футбол». Шоу дастури.
23.30 «Ахборот».
24.00-00.05 Ватан тимсоллари.

YOSHLAR TELEKANALI

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 84-қисм.
18.55 «Мусиқий лаҳзалар».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «Ёшлар» телеканалида.
19.35 «Солиқ ҳақида сабоқлар».
19.50 «Ёшлар овози».
20.10, 20.40 23.00 Эълонлар.
20.15 «Ҳақиқат чегараси». Телесериал.
20.45 «02» тўлқинида.
21.00 «Дунёга йўл».
21.20 «Сарвиноз». Мусиқий дастур.
21.30 «Марду-майдон».
21.50 «Мусиқий лаҳзалар».
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 «Ёшлар» телеканалида.
22.35 «Текин томоша».
22.45 «Турфа олам».
23.05 «Ёшлар» телеканалида — футбол. Ҳафтанинг энг яхши учрашуви.
00.35 «Инспектор Морз».
02.15 «Янги тонг».

TRV

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.15 «Сен ҳақингда ва сен учун».
18.30, 21.30, 22.30, 23.30 «Пойтахт». Ахборот кўрсатуви.
18.45 Телегазета. «Экспресс».
18.55 «Қалтис ўйинлар». Телесериал. 1-2 сериялар.
19.45 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
20.00 «Ёшлар ҳудуди».
20.25, 21.00 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Суҳбатдош».
21.45 Туризм ҳақида. Ҳафталик шарҳ.
22.15 «Спорт оламида».
22.45 «Морена Клара». Телесериал.
23.45 Оҳанглар ва эълонлар.
23.50 Кинонигоҳ. «Чип».
00.15 «Хайрли тун, шаҳрим!»

4

Россия жамоат телевидениеси.
6.30-8.00
14.00-15.05 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ.
15.05 Кўрсатувлар тартиби.
15.10 «СНН. Жаҳон янгиликлари» (инглиз тилида)
15.40 «Бинафша».
16.00 Хитой телевидениеси ҳафталиги. «Хитой мусиқа ва рақсларининг моҳияти».
16.30 «Мультчарҳпалак».
16.45 «Уролднет» янгиликлари.
Россия давлат телевидениеси.
16.55 «Комиссар Рекс». Телесериал.
17.50 «Интернет ҳудуди».

30 канал

9.05 «Мусиқий тонг». Мусиқий-дам олиш дастури.
9.30 «Даракчи». Дам олиш дастури.
10.00, 13.45, 18.00, 19.50, 00.3 — «ТВ-ҳамкор», «Метеохабар».
10.30 «Морена Клара». Телесериал (Венесуэла).
11.20 Тонгги киносеанс.
13.00 «Бошга тушган ташвиш». Телесериал (Канада).
14.10 Кундузги киносеанс.
15.30 Мусиқий дастур.
16.00 «Карапуз-ТВ».
16.25 «Фақат хотин-қизлар учун». Тележурнал.
16.50 «Айбдорлик». Телесериал.
17.35 «VIP» студиясининг меҳмони».
17.50 «Хит-коктейль».
18.25 «Ошиқона». Мусиқий дастур.
18.40 «Олтин қафас». Телесериал.
19.25 «Висол». Мусиқий дастур.
20.20 «Клип-совға».
21.30 «30-канал»да киноокшом.
23.15 «Бажаришнинг имкони йўқ». Саргузашт сериал.
24.00 «Мусиқий вернисаж». Мусиқий-дам олиш дастури.

ЧОРШАНБА 29

TV

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».
8.30 Марказий газеталар шарҳи.
8.45 «Мусиқа билан сирлашиб». Мусиқий дастур.
9.15 «Фовқулодда 20 дақиқа».
9.35 «Довюраклар». Телесериал.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 «Юртим жамоли». Публицистик кўрсатув.
10.30 Кундузги сеанс: «Табор қўнга йўл олади». Бадиий фильм.
12.05 «Инсон ва қонун»га хатлар.
12.20 «Заковат зарчашмаси».
12.40 «Юрт ўғлонлари». Спорт дастури.
12.55 Ватан тисоллари.
13.00 «Остонаси тиллодан». Адабий кўрсатув.
13.40 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Ўзагросуғурта: Ислоҳот одимлари». Премьера.
14.10 «Қўшиққа кўчган сатрлар». Ш. Салимова.
14.45 «Орият шажараси».
15.05 «Талаб ва таклиф».
15.25 «Куйла, ёшлигим».
15.40 Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллиги олдидан: «Пурзиё маъво». Ҳужжатли видеофильм .13-қисм.
16.00 «Камолот сари».
16.20 «Сендан угина, мендан бугина». Бадиий фильм.
17.45 «Жаҳон спорти».
18.10 «Солиқ ва назорат».
18.25 «Озод юрт одамлари».
18.45 «Истеъдод». Мусиқий дастур.
19.05 «Имконият».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Таълим-тарбия миллий дастури — амалда».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.05 Сайловлар ва сиёсий партиялар «Ватан тараққиёти партияси»
21.25 Ўқитувчилар ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали йиғилиш ва концерт. «Туркистон» саройидан олиб кўрсатилади (эзиб олинган)
22.55 «Садоқат».
23.15 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 85-қисм.
00.05 «Ахборот».
00.35-00.40 Ватан тимсоллари.

YOSHLAR TELEKANALI

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади («Жажжи давра», мультфильм)
18.40 «Семурғ». Ўсмирлар учун кўнгил-очар дастур.
18.55 «Мусиқий лаҳзалар».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «Ёшлар» телеканалида.
19.35 «Рақслар қанотида».
19.55 «Мусиқий лаҳзалар».
20.00 «Спорт лотто».
20.10 «Лаззат».
20.30, 22.35 Эълонлар

17.50 «Океан ортига саёҳат. Япония».
18.00 «Макаллум». Телесериал.

30 канал

9.05 «Мусиқий тонг». Мусиқий-дам олиш дастури.
9.30 «Таниш чеҳралар». Мусиқий дастур.
10.00, 13.45, 18.00, 19.50, 00.30 — «ТВ-ҳамкор», «Метеохабар».
10.30 «Морена Клара». Телесериал.
11.20 Тонгги киносеанс.
13.00 «Бошга тушган ташвиш». Телесериал.
14.10 Кундузги киносеанс.
15.30 «Объективда ҳайвонлар». Ҳужжатли сериал.
16.00 «Карапуз-ТВ».
16.25 «Фақат хотин-қизлар учун». Тележурнал.
16.50 «Айбдорлик». Телесериал.
17.35 «VIP» студиясининг меҳмони».
17.50 «Хит-коктейль».
18.25 «Ошиқона». Мусиқий дастур.
18.40 «Олтин қафас». Телесериал.
19.25 «Висол».Мусиқий дастур.
20.20 «Клип-совға».
21.30 «30-канал»да киноокшом.
23.15 «Бажаришнинг имкони йўқ». Саргузашт сериал.
24.00 «Дўстлар даврасида». Мусиқий-дам олиш дастури.

ЖУМА 1

«Меҳр нури»
Муҳтарам телетомошабинлар! Соат 9.00 дан 18.00 гача Ўқитувчилар ва мураббийлар кунига бағишланган узлуксиз теледастур.

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».
8.30 Марказий газеталар шарҳи.
8.45 «Имом ал-Бухорий». Ҳужжатли фильм.

* * *

18.00 «Бананлар». Мультфильм премьераси.
18.10 «Устоз». Ҳ. Ҳамидов.
18.30 «Омад юлдузи». Телевизион ўйин.
18.55 «Саҳна устаси». Т. Ҳўжаев.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Рақибингиз — гроссмейстер».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.05 Сайловлар ва сиёсий партиялар «Фидокорлар» Миллий демократик партияси.
21.25 «Баркамол авлод орзуси».
22.05 «Сизга таъзим , устозлар!»
23.05 «Оталар чойхонаси». Мусиқий-дам олиш дастури.
00.05 «Ахборот».
00.35 «Муаллим». Видеофильм.
01.25-01.30 Ватан тимсоллари.

YOSHLAR TELEKANALI

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади. («Ҳар соҳага саёҳат»)
18.25 «Ёшлар ва маънавият».
18.40 «Қизим, сенга айтаман».
18.55 «Сизга таъзим». Мураббийлар қутлови.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «Ёшлар» телеканалида.
19.35 «Талабалар шаҳарчаси».
19.50, 20.20, 22.45 - Эълонлар.
19.55 «Ҳақиқат чегараси». Телесериал.
20.25 «Аср қиёфаси».
20.40 «Садо 99» Байрам-мусиқали дастур.
21.55 «Сизга таъзим». Мураббийлар қутлови.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 «Ёшлар» телеканалида.
22.35 «Давр» интервью.
22.50 «Садо-99» (давоми)
00.05 Синема. «Хизматкор». Комедия.
01.50 «Мунаввар тонг истаб!»

ТТВ

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Ёрилтош». Мульттўплам.
9.20 «Кўнгил тароналари».
9.40 Болажонлар экрани. Том Сойернинг саргузаштлари. 1-серия.
10.55 «Спорт оламида».
11.10 «Яна бир учрашув».
11.35 «Ёввойи табиат».
12.25 Ёкимли оҳанглар.
12.45 Кинонигоҳ. «Икки шаҳар қиссаси».
14.15-14.30 «Пойтахт». Ахборот кўрсатуви.

* * *

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.20 «Бор эканда, йўқ экан». Манзарали фильм.
18.30, 21.30, 22.30, 23.30 «Пойтахт». Ахборот кўрсатуви.
18.45 Телегазета «Экспресс».
18.55 «Қалтис ўйинлар». Телесериал. 7-8-сериялар.
19.45 «Табриклаймиз, қутлаймиз».
20.00 «Саломатлик чорраҳасида».
20.10 «Камертон».
20.25, 21.00 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Рақслар жилоси».
21.45 Катталар учун эртак.
22.00 «Мусиқий меҳмонхона».
22.45 «Морена Клара». Телесериал.
23.45 Оҳанглар ва эълонлар
23.55 Кинонигоҳ. «Леон».
01.35 «Хайрли тун, шаҳрим!»

4tv
Россия жамоат телевидениеси.

6.30-8.00
14.00-15.05 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ.
15.05 Кўрсатувлар тартиби.
15.10 «СНН. Жаҳон янгиликлари» (инглиз тилида)
15.40 «Спорт-клуб».
15.55 Хитой телевидениеси ҳафталиги. «Таншаню — 23 ёшда».
16.25 СНН-шоу.
16.40 Ўқитувчилар ва мураббийлар кунига. «Болалар олами».
16.55 «Бу ажиб дунё».
17.10 «Мультчарҳпалак».

30 канал

9.05 «Мусиқий тонг». Мусиқий-дам олиш дастури.
9.30, 13.45, 18.00, 19.50, 01.40 — «ТВ-ҳамкор», «Метеохабар».
10.00 Болалар канали.
10.20 Болалар учун фильм.
11.40 «Карапуз-ТВ».
12.00 «Тушки кино».
14.15 «Капалаклар ороли». Ёшлар учун сериал (Австралия).
15.00 «Ҳали намойиш этилмаган премьера».
17.00 Мусиқий дастур.
18.30 «30-канал»да киноокшом.
20.20 «Клип-совға».
21.30 «30-канал»да киноокшом.
23.15 «Бажаришнинг имкони йўқ». Саргузашт сериал.
24.00 «Бедорлик».

ШАНБА 2

6.30 «Ассалом,Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».
8.30 Марказий газеталар шарҳи.
8.50 «Мусиқа бўстони». Телеальманах.
9.15 «Ҳидоят сари».
9.40 Телевизион миниатюралар театри.
10.15 «Илм олами: XXI аср бўсағасида».
10.35 Болалар учун. «Санъат гунчалари».
10.55 Кундузги сеанс: «Буланка»меҳмонхонаси». Бадиий фильм.
12.20 «Ишқнома». Адабий кўрсатув.
12.50 «Тасвирчи Кипс кимсасиз оролда». Мультфильм.
13.10 «Зийнат».
13.30 «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи».
14.40 «Ринг». Спорт дастури.
15.10 «Яхши кайфият». Мусиқий дастур.
15.40 Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллиги олдидан: «Пурзиё маъво». Ҳужжатли видеофильм. 15-қисм.
16.00 «Инсон — ҳаёт гултожи».
16.25 «Севги сароблари». Бадиий фильм.
17.55 Ватан тимсоллари.
18.00 Болалар учун «Фламинго».
18.25 «Иқтисод ва биз».
18.50 «Бахтли воқеа».
19.25,19.55, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловлар олдидан: «Марказий сайлов комиссиясида».
21.30 «Буюк келажак-2000». Телемарафон.
22.00 «Олтин дала». Ахборот-мусиқий кўрсатув.
22.40 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Трактор» (Тошкент) — «Насаф» (Қарши)
23.25 «Ахборот».
«Тунги ёғду». Дам олиш дастури.
23.55 «Куй ва тасвир».
00.15 «Қотиллик пайидан». Бадиий фильм. 5-6 сериялар.
01.45-01.50 Ватан тимсоллари.

YOSHLAR TELEKANALI

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Янги авлод» студияси намойиш этади («Бўш ўтирма», «Қувноқ учрашув», «Ҳар соҳага саёҳат»)
9.50 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 84-қисм.
10.40 «Ёшлар» телеканалида.
10.45 «Марказий сайлов комиссияси хабарлари».
11.00 «Сурур». Мусиқий дастур.
11.15 «Рей Брэдбери театри». Телесериал.
11.35 «Буюк юрт фарзандиман».
11.50 «Мусиқий лаҳзалар».
11.55 «Кинотакдим».
12.15 «Эски альбомдан».
12.20 «Ёшлар» телеканалида.
12.25 «Рамаяна». Телесериал.
13.00 «Танишинг: Обид Муҳаммедов.
13.15 «Муносабат».
13.35 «Спорт қитъаси». Теннис.
14.05 «Мусиқий глобус».
14.25 «Шу куннинг мавзуси».
14.45 «Ёш Индиана Жонс ҳаётидан». Телесериал.
15.30 «Кўнгил кўнгилга пайванд».
16.00 «Ёшлар» телеканалида.
16.05 Синема.
17.40 «Сенинг вақтинг».

* * *

18.00 «Янги авлод» студияси намойиш этади («Олтин калит»)
18.40 «Ёр ишқи». Мусиқий дастур.
18.55 «Эски альбомдан».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «Ёшлар» телеканалида.
19.35 «Баҳс, мунозара, таҳлил».
19.55, 20.35, 23.30-Эълонлар.
20.00 «Рамаяна». Телесериал.
20.40 «Бизнес-академия».
21.0 «Матбуот».
21.10 «Мусиқий лаҳзалар».
21.15 «Қутилмаган меҳмон» .
21.35 «Сир».
21.55 «Мусиқий лаҳзалар».
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 «Ёшлар» телеканалида.
22.35 «Давр» интервью.
22.50 «Мафтункор чеҳралар».
23.10 «Мусиқа теграсида».
23.05 «Ёшлар» телеканалида.
23.35 Синема . «Амаки-ваччам Винни».
01.30 «Хайрли тун!»

4tv

9.00 Кўрсатувлар тартиби.
9.05 «Кино сайёраси» .
9.20 Кинематограф. «Эдит ва Марсель». Бадиий фильм. 1-2 сериялар.
11.40 «ТАСИС» дастури намойиш этади».
12.10 -13.05 «Буржлар башорати».

* * *

17.30 Кўрсатувлар тартиби.
17.35 «Бинафша».
17.55 «Бу ажиб дунё». Россия жамоат телевидениеси.
18.10 «Миллий ов хусусиятлари». Бадиий фильм.
20.00 «Время».
21.00 Жаҳон киноси. «Ванда лақабли балиқча». Кинокомедия.
23.00 «Дил изҳори».
23.10 Кинематограф. «Пок куртизан қизи». Бадиий фильм.
00.40 «Ахборот» (рус тилида)
01.05 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30 канал

9.05 «Мусиқий тонг». Мусиқий-дам олиш дастури.
9.30, 13.45, 18.00, 19.50, 01.30 — «ТВ-ҳамкор», «Метеохабар».
10.00 Болалар канали.
10.20 Болалар учун фильм.
11.35, 20.10 — «Клип-фотосовғача» танлови.
11.40 «Клип-совғача».
12.00 «Тушки кино».
14.15 «Капалаклар ороли». Телесериал.
15.00 Ҳинд киноси.
17.30 «Экран санамлари».
18.30 «Шарқ юлдузи». Тарихий шаҳарларга саёҳат.
19.00 «Амалиёт». Детектив сериал (АҚШ).
20.20 «Клип-совға».
21.30 «Ҳафта фильми».
23.30 Мусиқий-дам олиш канали.
24.00 «Бедорлик».

ЯКШАНБА 3

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».
8.30 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
9.00 «Буюк келажак-2000». Телемарафон.
9.30 «Ўзбекистон — Ватаним маним». Мусиқий дастур.
9.45 «Ғаройибот».
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
11.00 С. Аҳмад «Буқаламун билан учрашув».
11.35 «Шохрух» клуби.
12.05 Кундузги сеанс: «Императорнинг махфий фармони». Бадиий фильм.
13.30 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Навбаҳор» — «Пахтакор».
14.15 «Мозийдан бир мўъжиза».
14.30 «Кучукча ва эски шиппак». Мультфильм.
14.40 «Оталар чойхонаси». Мусиқий-дам олиш дастури.
15.40 «Чемпион билан учрашув». Спорт дастури.
16.00 «Бўстон». Тележурнал.
16.30 «Доктор Жекил ва мистер Хайднинг ғаройиб саргузаштлари». Бадиий фильм.
18.00 «Олтин тож». Телевизион ўйин.
18.20 «Водий таронаси». С. Маннопов.
18.55 «Ўзлик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
19.25, 20.00, 20.25, 21.10 Эълонлар.
19.30 «Таҳлилнома» (рус тилида)
20.05 «Санъат олами».
20.30 «Таҳлилнома».
21.15 «Шийпондаги учрашув».
22.00 «Унутмас мени Ватан». Бадиий-публицистик кўрсатув.
22.35 «Қизлар давраси».
22.45 ТВ- 1 намойиш этади: Телеанонс.
«Аср мўъжизаси» кинодастури.
23.00 Кино янгиликлари.
23.15 «Жаҳон киноси юлдузлари».
23.35 «Қотиллик пайидан». Бадиий фильм. 7-8 сериялар.
01.05-01.10 Ватан тимсоллари.

YOSHLAR TELEKANALI

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Янги авлод» студияси намойиш этади («Янги авлод почтаси», «Катта танаффус», мультфильм)
9.50 «Инглиз тили Сиз учун».
10.15 «Ёшлар» телеканалида.
10.20 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 85-қисм.
11.10 «Дунёга йол».
11.30 «Мусиқий лаҳзалар».
11.40 «Ўзбек мумтоз шеъриятидан».
11.45 «Цирк, цирк, цирк».
12.25 «Рамаяна». Телесериал.
13.00 «Садо-99». Байрам мусиқали дастур.
14.15 «Ёшлар» телеканилида.
14.20 «Садо-99» (давоми)
15.35 «Марду-майдон».
15,55 «Бугуннинг боласи».
16.15 «Ёшлар» телеканалида.
16.20 Синема.
17.50 «Мусиқий лаҳзалар».

* * *

18.00 «Янги авлод» студияси намойиш этади («Уй вазифаси», Мультфильм)
18.35 «Ватан мадҳи».
18.45 «Ёшлар» телеканалида.
18.50 «Мусиқий лаҳзалар».
19.00 «Давр» Ахборот дастури.
19.30 «Бир жуфт қўшиқ».
19.40, 20.20, 23.50-Эълонлар.
19.45 «Рамаяна». Телесериал.
20.25 «Миллионлар ўйини».
20.35 «Синфдош».
21.00 «Дунё ҳафта ичида».
21.20 «Остонадаги орзулар».
21.40 «Қўшиқлар гулдастаси».
21.55 «Каталог».
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 «Ёшлар» телеканалида.
22.45 «Олис сафарлар иштиёқида». Жанубий Корея.
23.30 «Спорт ҳафтаномаси».
23.55 Синема. «Телбаларсиз».
01.35 «Тонг юлдузи!»

ТТВ

8.45 Кўрсатувлар дастури.
8.50 «Соғлом бўлай десангиз».
9.00 «Тонгги пойтахт».
9.30 «Яхши кайфият».
10.00 Болалар учун. «Сеҳрли сандиқча».
10.15 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
10.35 Болажонлар экрани. Том Сойернинг саргузаштлари. 3-серия.
11.40 «Жозиба».
12.00 Дурдона.
12.15 «Бева Бланка». Телесериал.
13.00 «Туризм ҳақида».
13.30 «Аёл — она, мураббий, раҳбар» телеклубида кадрлар тайёрлаш миллий дастури.
13.55 Спорт-тайм.
14.20 Жавоҳирлар соҳили.
14.40-16.00 Такрорий фильмлар экрани. «Дўст қулфатда билинар».

* * *

17.55 «Ойнаи жаҳонда».
18.10 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.25 «Дилором наволар».
18.40 «Камолот сари».
19.00 «Қалтис ўйинлар». Телесериал. 11-12 сериялар.
19.50 «Табриклаймиз, қутлаймиз».
20.00 Ибрат.
20.25, 21.10 Эълонлар.
20.30 «Таҳлилнома».
21.15 Бир қўшиқ тарихи. «Салламно».
21.45 «Даллас». Телесериал.
22.35 «Йиллар ортидаги йўллар».
23.05 «Ватанни севмоқ иймондандир».
23.35 «Мусаввир».
23.45 Оҳанглар ва эълонлар.
23.55 Кинонигоҳ. «Нажот хайқириғи».
01.15 «Хайрли тун, шаҳрим!»

4tv

9.00 Кўрсатувлар тартиби.
9.05 «Эртакларнинг сеҳрли олами».
10.45 «Парле ву франсэ?»
11.10 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
11.20 Кинематограф.«Йўлбошчи» Бадиий фильм.
12.45 «Фан-тайм». (Болалар учун инглиз тили)
12.55 «Тенгдошлар».
13.15 -14.00 «Дўстлик» видеоканали. «Рангинкамон», «Маврид».

«Бекободун»

очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятининг 1998 йил 31 декабрга бўлган

БАЛАНСИ

Асосий воситалар қолдиқ қиймати	*33450,5* минг сўм
Номоддий активлар қолдиқ қиймати	*4937,8*
Узоқ муддатли инвестициялар	*1180,2*
Ишлаб чиқариш заҳиралари	*30340*
Олиб сотиладиган товарлар	*322932,4*
Пул маблағлари	*362,2*
Дебиторлар	*330580,8*
Бўнак тўловлари:	*116265,1*
Низом маблағи	*19668* минг сўм
Резерв капитали	*50306,5*
Тақсимланган фойда	*44967,2*
Мақсадли тушум ва фондлар	*60000*
Қисқа муддатли қарзлар	*257077*
Кредиторлар	*160321,1*
Бюджет бўйича қарзлар	*25907*
Ижтимоий суғурта ва таъминот бўйича қарзлар	*3180*
Бюджетдан ташқари тўловлар	

Молиявий натижалари:

1. Маҳсулот сотишдан тушган тушум	*1067386,8*	
2. Қўшимча қиймат солиғи		*148067,0*
3. Сотилган маҳсулот таннархи		*809236,9*
4. Сотиш харажатлари		*39055,8*
5. Маъмурий харажатлар		*49002,4*
6. Асосий фаолиятнинг бошқа жараёнларидан даромад ва харажатлар	*88644,2*	*3751,2*
7 Олинган дивидендлар	*636,0*	
8. Тўланган ва олинган фоизлар	*66,1*	*19911,2*
9. Бошқа даромад ва харажатлар	*12473,0*	*107904*
10. Умумий хўжалик фаолиятининг молиявий натижаси	*89391,2*	
11. Фойда солиғи		*41837,7*
12. Бошқа солиқ ва ажратмалар		*3318,7*
13. Ҳисобот даврига соф фойда	*44234,8*	

Баланс ва молиявий натижаларнинг тўғрилиги Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг 209-лицензиясига ва «Ўздонмаҳсулот Аудит» фирмасининг 56-сонли гувоҳномасига асосан аудитор С. Эрназаров томонидан тасдиқланган.

«ОҚТОШДОН»

очиқ турдаги акциядорлик жамияти ҳиссадорлари

диққатига!

1999 йил 9 октябрь куни соат 10.00. да «Оқтошдон» акциядорлик жамияти клубида «Оқтошдон» акциядорлик жамиятининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши ўтказилади.
Йиғилиш кун тартиби: «Оқтошдон» акциядорлик жамияти ёнида омухта ем цехи негизида шўъба корхонани ташкил этиш.

Тошкент давлат шарқшунослик институти

вакант лавозимларига танлов эълон қилади:

- **Жанубий Осиё тиллари кафедраси:** кафедра мудири (1).
- **Педагогика ва шарқ тилларини ўқитиш методикаси кафедраси:** кафедра мудири (1).
- **Матишунослик ва манбашунослик кафедраси:** кафедра мудири (1).
- **Ўзбек тили кафедраси:** кафедра мудири (1).
- **Хорижий шарқ мамлакатлари тарихи кафедраси:** кафедра мудири (1).
- **Олий математика ва информатика кафедраси:** кафедра мудири (1).
- **Инглиз тили кафедраси (филология):** кафедра мудири (1).
- **Ўрта ва Яқин Шарқ мамлакатлари иқтисоди кафедраси:** кафедра мудири (1).
- **Халқаро муносабатлар кафедраси:** кафедра мудири (1).
- **Ижтимоий-сиёсий фанлар кафедраси:** кафедра мудири (1).

Ҳужжатлар эълон чиққан кундан эътиборан бир ой ичида топширилиши лозим.

Ҳужжатлар:
- Ректор номига ариза.
- Шахсий варақа.
- Диплом (аттестат) нусхалари: *олий маълумот, илмий даража ҳақидаги диплом, илмий даража ҳақида аттестат.*
- Илмий ва илмий-услубий ишлар рўйхати.

Манзил: Тошкент шаҳри, Лахутий кўчаси, 25.
Тел: 133-44-36 кадрлар бўлими

ТАШКИЛОТ

«ВАЗ», «Москвич», «ГАЗ-24», «ГАЗ-53», «УАЗ», «ЗИЛ», «МАЗ», «КамАЗ» автомобиллари учун эҳтиёт қисмларни **сотади**
ҲАҚ ТЎЛАШ – ПУЛ ЎТКАЗИШ ЙЎЛИ БИЛАН
Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти доирасида харидорнинг олборхонасигача бепул етказиб бериш мумкин
Манзил
Тошкент, Нукус кўчаси, 29 («Ўзбекистон» машиний хизмат кўрсатиш уйи) — Мўлжал Шимолий темир йўл вокзали.
Телефон: 54-49-11.
Факс: 54-56-97

Тошкент шаҳар Собир Раҳимов тумани ҳокимлиги томонидан 1999 йилнинг май ойида Тўлаганов Хожи Абдулла номига берилган №509470 рақамли тадбиркорлик фаолияти ҳақидаги гувоҳнома йўқолганлиги туфайли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

«Муштум» журнали жамоаси журналнинг собиқ бош муҳаррир ўринбосари, ёзувчи Олим Қўчқорбековга волидаи мўҳтарамаси
МАПУРА аянинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

«Ўзэкспомарказ» РСКМ жамоаси савдо ва умумий овқатланишни ташкил қилиш бўлими экспедитори
Баҳодир Ҳакимович ИСМОИЛОВнинг
фожиали вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардлик ва чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Тошкент врачлар малакасини ошириш институти ректорати, касаба уюшмаси ташкилоти фтизиатрия кафедрасининг профессори, тиббиёт фанлари доктори
Абдунаби Аловутдинхўжаевич КАЛОНХЎЖАЕВнинг
вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Бош муҳаррир Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати
Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Қозоқбой ЙЎЛДОШЕВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Алимқул СУЛТОНОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Бахтиёр ҲАМИДОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Сиёсат — 133-20-36
Иқтисодиёт — 133-76-04
Маънавият — 133-07-20
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-12-56, 136-55-16
Ахборот — 133-76-04
Котибият — 133-21-43
Факс — 133-38-55, 133-47-80, 133-73-43, 133-06-83

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 25-16-16;
Бухорода — 23-51-40;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 222-70-12;
Самарқандда — 35-20-54;
Тошкентда — 133-12-56;
Урганчда — 226-51-35;
Фарғонада — 26-46-84;
Қаршида — 4-61-35;
Термизда — 3-79-98.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

Навбатчи муҳаррир *Ҳайдар НОСИРОВ*, навбатчи *Баҳодир ОСТОНАҚУЛОВ.*

Газета «Ўзбекистон овози»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Саҳифаловчи-дастурчи Бахтиёр ЖУМАНОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00004 Газета офсет усулида, А—2 форматида, 18.117 нусхада босилди.
Ҳажми 2 босма табоқ.
«Ўзбекистон овози»-материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.
Г — 0624

Босишга топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 00.00
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА